O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 11 декабрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 98 (7501)

Da'vat

Bizlarni dunyoga keltirib, voyaga yetkazgan, o'zining mehnati bilan bugungi hayotga katta hissa qo'shgan keksa avlod oldida hamisha qarzdormiz. Ularni e'zozlash har birimiz uchun ham qarz, ham farzdir.

Islom KARIMOV

Ibrat

Sho'rchi tumanidagi bir qator shirkat va fermer xo'jaliklari maktab o'quvchilarini darslik bilan ta'minlashga ko'maklashish maqsadida jami 1 million 300 ming so'm miqdorida mablag' ajratdi.

ҲАЁТИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, муҳтарам дўстлар!

Қадрли юртдошлар!

Аввало, ўз номимдан барчангизни, сизлар орқали бутун халқимизни қутлуғ айём — ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Конституциямизнинг 10 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Конституциямизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият қуришдаги аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш, кўп фикр юритиш мумкин.

Бугун Конституциявий суд раиси Бўритош Мустафоев қилган маърузада ҳам эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида Конституциямизнинг улкан ҳиссаси ҳақида мазмунли фикр ва мулоҳазалар айтилди.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, ҳурматли мажлис иштирокчилари эътиборини кўпроқ бошқа масалага — Конституциямиз асосида қабул қилинаётган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ва шу муҳим масала атрофида тўпланиб турган муаммоларга жалб қилмоқчиман.

Шуни очиқ тан олишимиз керак, қонун устуворлигини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қарашлардан тезроқ воз кечиш ва аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олдинги ўринга қўйиш ва шу асосда йўл тутиш, бу жараёнларни тубдан тезлаштириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалар бўлиб қолмоқда.

Содда қилиб айтганда, биз қандай ҳар томонлама чуқур ва пухта ишланган, юксак андозаларга асосланган қонунларни қабул қилмайлик, агарки, уларнинг норма ва талаблари амалда ҳаётимизда ўз кучини кўрсатмаса — шу йўналишда қилаётган барча ишларимизнинг самараси бўлмайди. Ва бундай ҳолатлар фуқароларимизнинг табиий ва ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бу ўзи нима дегани, нима учун қонуний нормаларда кўрсатилган талаблар бошқа-ю ҳаётимизда кўпгина ҳолатлар ва мисоллар бошқача, деган фикрларга жавоб топиш осон эмас, албатта.

Шундай вазиятларда қонун қонун билан, ҳаётда эса кўпинча мансабда ўтирганларнинг айтгани бўлар экан, уларнинг сўзи, уларнинг ҳақиқати ҳақиқат бўляпти, деган кайфиятлар ҳам учрайди.

Шундай ҳолатлар ва савдолар бошига тушганда, одамларимиз беихтиёр «Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан» деган мақолни изтироб чекиб эслаши ҳам ўринли, деб ўйлайман.

Бу ҳам ҳаётимизнинг аччиқ ҳақиқати.

Биз қонунчиликка асосланган ҳуқуқий давлат қуришга интилаётган эканмиз, бундай ҳолатлардан юз ўгирмасдан, қочмасдан, аксинча, бунга олиб келувчи сабабларнинг таг-томирига етиб бориш ва уларнинг ечимини топишимиз зарур.

Бу барчамизнинг, аввало, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи идора ва ташкилотлар мутасадди раҳбарларининг бурчидир.

Бу каби вазият ва ҳолатлар нафақат бизда — мустақил тараққиёт йўлига ўтган ва Конституцияси энди ўн ёшга кирган мамлакатимизда эмас, балки энг ривожланган давлатларда ҳам учраб туриши мумкин.

Лекин, ҳеч шубҳасиз, хусусан биз учун бу масала бугунги кунда буюк истиқболларимизни кўриш, халқимизнинг келажакка ишончини қозониш ва мустаҳкамлаш учун энг долзарб ва ҳал қилувчи масалаларнинг бирига айланмоқда.

Нега деганда, замонавий талабларга жавоб берадиган, эл-юртимизнинг асл ва чуқур манфаатларини инобатга олган қонунларни қабул қилиш - ўз йўли билан.

Айни пайтда бу қонунларнинг ҳаётимизда жорий бўлганини, ўз аксини топганини кўриш - бу одамларимизга мутлақо бошқача мамнуният бағишлайдиган ва уларни рози қиладиган вазият эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Энди бу муаммоларнинг ечимига келадиган бўлсак, аввало нималарга алоҳида эътиборимизни жалб қилишимиз зарур?

Кўпгина масалалар ва йўналишлар қаторида, уларнинг энг муҳимлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак:

Биринчидан, Конституциямиз ҳаётимизда ўз аксини тўлиқ топиши учун ҳали замон талаб қиладиган кўпгина янги қонунларни қабул қилишимиз шарт.

Биз қонунларнинг матни, маъно-мазмуни ҳақида кўп бош қотирамиз, аммо уларда белгилаб қўйилган талабларни амалга ошириш учун қонунчиликда муҳим аҳамиятга эга бўлган, шу қонунни жорий қилиш учун керак бўладиган актларни қабул қилишни, бу масала бўйича жавобгарликни жойига қўйишни кўпинча унутиб қўямиз.

Шу сабабли ҳам қонунларимизнинг неччи фоизи ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда, қанчасини татбиқ этиш оғир кечмоқда, деган саволга жавоб бериш қийин.

Иккинчидан, жамиятимиз ҳаётида қонун устуворлигига эришиш учун ҳокимиятнинг уч тармоғи - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур.

Шундагина ҳокимият тармоқлари орасида том маънодаги мувозанат қарор топади, содда қилиб айтганда, адолат тарозиси бузилмайди.

Аввало, суд ҳокимияти, суд органлари мустақил бўлиб ҳаммага ҳам бир кўз билан қараши — бу оддий фуқароми ёки мансабдор ва амалдорми — ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун устуворлигининг таъминланишига эришишимиз даркор.

Учинчидан, ижро ҳокимияти ва идораларининг, яъни бу ҳокимлик ёки вазирлик бўладими — умуман, мансаб курсисида ўтирганларнинг ўзига юкланган вазифани адо этишда масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш лозим.

Бу талаб аввало маъмурий идоралар, қонунни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилотларга тегишлидир.

Тўртинчидан, нодавлат ва ижтимоий, ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг ва фуқаролик институтларининг роли, ўрни ва моҳиятини, уларнинг давлат корхоналари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур.

Биз бу йўналишда бугунги кунда фақатгина биринчи қадамларимизни қўймоқдамиз.

Бешинчидан, жамоатчилигимиз, аҳолимизнинг сиёсий ва ижтимоий савияси ҳамда фаоллигини ошириш даркор.

Мен бу масалани биринчи даражали масалага айлантириш керак, деб ўйлайман.

Ҳар қайси инсон ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашиши лозим. Ҳар қандай одам учун имон-эътиқод деган сўзлар шунчаки, ҳавойи сўзлар эмас, аксинча, уни доимо қийнайдиган, виждонини уйғотадиган чуқур тушунчалар бўлса, бундай фуқаро атрофдаги одамлар, маҳалла-кўй, эл-юрт ташвиши билан яшаши шарт.

Барчамиз лоқайдлик ва бепарволикдан, сен менга тегма — мен сенга тегмайман, деган заифлик асоратидан бутунлай жудо бўлишимиз зарур.

Жамиятимизда шундай инсонлар қанча кўпайса, аввало, ҳаётга кириб келаётган ёшларимизда бундай кайфият нақадар кучайса, бундай қарашлар уларни ҳаёт тарзининг узвий қисмига айланган ҳолда биз олдимизга қўйган мақсадларга тезроқ етиб борамиз.

Бу масаланинг яна бир муҳим томони — бундай фикрловчи ва ҳаёт кечирувчи одамларимиз, ёшларимиз жамиятимизда ўз ўрнини тезроқ топса, ҳеч шубҳасиз, ҳокимият амалдорлари орасида Конституция ва қонунларимизни писанд қилмайдиган, ўз манфаатини, ўз бойлигини давлат ва эл-юрт манфаатидан юқори қўяётган чаласавод кимсаларга шунча ўрин қолмайди.

Ўз-ўзидан аёнки, биз адолатли ва фаровон жамият қурмоқчи эканмиз, Конституция ва унинг асосида яратилган қонунларни чуқур ўрганиш ва уларга риоя қилиб яшаш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шартдир.

Азиз юртдошлар!

Ҳаммангизга маълумки, биз бундан роппа-роса бир йил муқаддам мана шу залда 2002 йилни мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилган эдик.

Бизнинг бу йилга шундай ном беришдан асосий мақсадимиз — халқимизнинг азалий удумларига риоя қилиб, эл-юртимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилган ўзига хос сиёсатимизни изчил давом эттириш, уни янада кўпроқ амалий ишлар билан мустаҳкамлашдан иборат эканини, ўйлайманки, жамоатчилигимиз яхши билади.

Содда қилиб айтганда, биз олиб бораётган давлат сиёсати, биз қураётган давлат тизими, барпо этаётган янги жамият, ҳаётимизда қарор топаётган эзгу қадриятлар замирида, аввало, Ўзбекистоннинг буюк келажагини ўйлаб, йиллар давомида шу олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшган, ана шу пойдеворнинг тамал тошини қўйган инсонларни улуғлаш, уларни рози қилишдек олижаноб мақсад мужассам.

Шу маънода, кейинги йилларда эълон қилинган Инсон манфаатлари ёки Оила йилини оласизми, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар йили ёки мана шу Қарияларни қадрлаш йилини оласизми — буларнинг барчаси бир-бири билан мантиқий асосда, ўзаро узвий боғланганини кўрамиз.

Давлат ва жамият эътиборини ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим йўналишларига қаратиб, одамларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган дастурларни бажариш учун керакли имконият ва маблағ топиб қилган ишларимизнинг амалий таъсири ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бугун самара бераётганига ҳаммамиз — оддий фуқародан тортиб юқори мансаб лавозимларида ўтирган инсонларгача гувоҳ бўлмоқдамиз.

Агар биз ўтиб бораётган 2002 йилга худди шу кўз билан қараб, унинг амалий натижаларини таҳлил этадиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, Қарияларни қадрлаш йили бўйича қабул қилган дастуримиз нафақат муҳтарам фахрийларимиз, кексайиб қолган ота-оналаримиз, балки бутун жамиятимиз ҳаётида катта из қолдирганига ишонч ҳосил қиламиз.

Мен бугун бу тўғрида батафсил ҳисобот беришни мақсад қилиб қўйганим йўқ. Чунки, дастур ижроси юзасидан мутасадди ташкилотлар вакиллари матбуот, радио-телевидение орқали, маҳалла ва фуқаролар йиғинларида ўз ҳисоботини беради, албатта.

Мен фақат бу борадаги айрим мисолларни келтириб ўтмоқчиман.

(Давоми 2-бетда)

"ТУРКИСТОН"ДА АНЪАНАВИЙ ЙИҒИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги бутун мамлакатимиз миқёсида умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Тантаналар 5 декабрь куни пойтахтдаги муҳташам "Туркистон" саройидан бошланди, десак янглишмаган бўламиз.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Конституциявий суд раиси Б.Мустафоев Бош қомусимизнинг 10 йиллиги тўғрисида маруза қилди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ўтган давр мобайнида юртимизда амалга оширилган ишлар, ҳаётнинг барча жабҳаларида кечаётган эркинлаштириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратди.

Президентимиз 2003 йилни "Обод маҳалла йили" деб эълон қилишни таклиф этди. Таклиф йиғилганлар томонидан гулдирос қарсаклар билан кутиб олинди.

Зеро, кириб келаётган йилнинг "Обод маҳалла" йили деб эълон қилиниши маҳалланинг ҳуқуқий асослари ҳар томонлама янада мустаҳкамланишига, ўзини ўзи бошқаришнинг бу ноёб тизими ривожланишига асос бўлади.

ИМПОРТ ТОВАРЛАРИГА ТАЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 20 августдаги 295-сонли қарорини бажариш юзасидан, шунингдек, истеъмолчиларни истеъмол товарлари тўғрисидаги ишончли ахборот билан давлат тилида таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори матбуотда эълон қилинди.

ЭЛЧИ МУКОФОТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан, Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга, турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Айдин Алибекович Азимбеков "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

ЭРТАГА СЕССИЯ БОШЛАНАДИ

Эртага — 2002 йил 12 декабрь куни II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 10-сессияси ўз ишини бошлайди. Бугун депутатларни рўйхатга олиш ишлари, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ҳамда депутатлар блокларининг йиғилишлари бўлиб ўтади.

МАДҲИЯМИЗ МАНГУ ЯНГРАСИН!

Кеча 10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганига 10 йил тўлди. Бундан роппа-роса ўн йил олдин, қизғин кечган умумхалқ муҳокамасидан сўнг Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъри ва Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Мутал Бурхонов мусиқаси жўрлигида мамлакатимиз рамзларидан бири — Ўзбекистон Давлат мадҳияси тасдиқланган эди. Шу ўтган ўн йил ичида дунёнинг турли бурчакларида юртдошларимизнинг муваффақиятли шарафига янграб келаётган сеҳрли қасида халқимизни бунёдкорлик, яратувчанлик сари илҳомлантириб келмоқда. Қалбларимиз тубидан жой олган мадҳиямиз мангу янграсин!

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАТАНДА:

МЕҲНАТИГА ЯРАША ЭЪТИБОР — 2-бет

ДАРСЛИКЛАРДА ҲАЁТИЙ МИСОЛЛАР АКС ЭТТИРИЛГАНМИ? — 3-бет

ҚИШКИ ТАЪТИЛНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАСИЗ? — 4-бет

БУЮК ШАХСЛАР СИЛСИЛАСИ — 5-бет

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ — ЭГИЗАК — 6-бет

МУКАММАЛ ИШ ТАНЛОВДА БИЛИНАДИ — 6-бет

КИТОБГА ТАҚРИЗ *Hajviya* — 8-бет

ИНГЛИЗЧА БОШҚОТИР...МА — 8-бет

ЭЛГА ТАТИГАН ШОДИЁНА

Tadbir

Ўқитувчи — йўлчи юлдуз. У қадим карвонларни поёнсиз саҳроларда нажот манзили сари бошлаган маёқ сингари фарзандларимизга камолот йўлини кўрсатувчидир. Шу боис устоз, ўқитувчи-мураббийга ҳамиша таъзимдамиз. Зотан, уларнинг фарзандларимиз камоли йўлида амалга ошираётган бугунги эзгу ишлари самараси ўлароқ, юрт эртасининг порлоқ бўлишига тамал тоши қўйилмоқда. Эл эъзозига мушарраф зотларнинг бундай фидокорона меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан ҳам муносиб баҳоланиб келинмоқда. Айниқса, республикамиз Президенти томонидан ҳар йили юрт озодлиги ҳамда ўқитувчи ва мураббийларнинг касб байрамлари нишонланадиган муборак санада бир гуруҳ устозларнинг давлатимизнинг юксак мукофотларига муяссар топилиши муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилда ҳам юртимизда нишонланган шодиёнали кунлар арафасида республика Президенти Фармонига кўра Ватанимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш, ёш авлод қалби ва онгида замонавий дунёқараш асосларини, юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларни ватанпарварлик, истиқлол гояларига садоқат руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшгани ҳамда кўп йиллик самарали меҳнатлари учун бир гуруҳ таълим ходимлари Ватанимиз мукофотларига лойиқ топилган эди.

Халқ таълими вазирлигида ана шундай ҳурмат-эҳтиромга сазовор устоз-мураббийларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тантанани Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев очар экан, таълим ходимларини юксак мукофот билан қутлаб, уларга берилган мазкур мукофотлар соҳа ривожига қўшиладиган янгидан-янги ютуқларга омил бўлажагига ишонч билдирди.

Шундан сўнг устозларни муборакбод этиш учун сўз Ўзбекистон Респуб-

(Давоми 2-бетда)

Obuna – 2003

Юртимиз ҳаётида, хусусан, таълим тизимида кечаётган янгиланиш ва ривожланиш жараёнлари билан ҳамнафас бўламан десангиз, Сизнинг доимий ҳаммаслагингиз

"Ma'rifat"

газетасига обуна бўлинг:

Нашр кўрсаткичи
якка обуначилар учун — 149
ташкилотлар учун — 150

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

ёхуд бурч ва ҳуқуқларини англашга ҳаракат қилаётган болажонлар

Жиккаккина болажоннинг оила даврасида эркаланганича, дадажон, ойижон, мен катта бўлсам сизларни машинада олиб юраман, кўп конфетлар, печеньелар сотиб олиб бераман, чиройли уйлар қуриб бераман, дея мағрурланиб гапираётган гапларини кўпам назарга илавермаймиз. Агарда фарзандингиз эндигина тишларига қурт тушиб, қора-қора кемтик тишларини кўрсатганича "ш" ҳарфини "с" деб талаффуз қиладиган ёқимтойгина қизча бўлса, у: мен катта бўлсам келинчак бўламан, чақалоғимнинг сочини ўриб ўйнаб ўтираман, чиройли кўйлагини кийгизиб тасқайига олиб чиқаман..." дея сизга мақтанади. Шунда сиз ўлмагин-да, кичкина қизлар бундай демайди, унинг ўрнига сочиб ташлаган ўйинчоқларингни тезгина йиғиштириб қўйгин, дея танбеҳ бериб қўясиз. Аслида эса бу содда тушунчалар катталикнинг масъулиятини ўз зиммасига олиш арафасида турган болакайларнинг ўз бурчлари ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳаётий қарашлар орқали тушуниб бораётганини билдиради. Демак, биз ҳуқуқий сабоқларни мактабгача таълим муассасаларидан бошлашимиз керак, деб юрган бир пайтда, кичкинтойларнинг ўзларида турмуш тарзимиз қонуниятларига мос ҳолда бурчлилик ва ҳақлилик тушунчалари пайдо бўлаётганлигини кузатишимиз мумкин. Биз, ота-оналар, тарбиячилар ва тегишли мутахассисларга эса шу шаклланиб улгурган ибтидоий тушунчаларни ойдинлаштириш, қонунлар асосида содда илмийлаштириш вазифалари қолади. Албатта, бу масъулиятнинг ҳар томонлама қийин, бироз оғир ҳамда қувончли эканлиги кундек равшан. Чунки, мактаб ўқувчиси ёки институт талабасига Конституция ҳуқуқи ва бошқа шу йўналишдаги дарсларни тушунтиришда китобий ҳамда илмий тилдан фойдаланишингиз мумкин. Лекин боғча боласига бундай ҳолда тушунтираман, деб кўринг-чи? Барча ҳаракатларингиз зое кетади.

(Давоми 3-бетда)

Қадрият деганда, биз минг йиллар давомида шаклланган, одамларнинг ҳаёти, нақд дунёсидан мустаҳкам ўрин олган, ҳеч қайси расмий ҳужжатда акс этмаган бўлса-да, унга барча амал қиладиган, инсонларнинг қон-қонига сингиб кетган анъана ва удумларни тушунамиз.

Фарзандларимизга таълим-тарбия бераётган устозларнинг дарсга хушкайфият билан кириши синф партасида сабоқ олаётган ўғил-қизларимизга кўнгил, табиий. Бу эса ўз-ўзидан севинчи ичига сиғмай илм истаб мактаб қучоғига талпинаётган фарзанди нигоҳига боққан ҳар қандай ота-онани ҳам руҳлантириши тайин.

Ma'rifat

ҲАЁТИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қарияларимизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, аввало, жорий йилда пенсия ҳажмини аниқлаш ва ҳисоблашга адолатли қараб, пенсия миқдорининг 1,3 марта кўпайтирилгани, кексаларимизга қўшимча имтиёзлар бериш учун биргина Пенсия жамғармаси томонидан 39 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилгани ҳам бу борадаги ишларнинг кўлами нечоғли катта бўлганини кўрсатиб турибди.

Ёки қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, уларга тиббий, санаторий-курорт, коммуналмаиший ва транспорт хизматлари кўрсатишни яхшилаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилганини ҳам эсламасдан ўтолмаймиз.

Шу ўринда икки миллионга яқин қария диспансер назорати ва тиббий кўрикдан ўтказилгани, 30 мингдан зиёд отахон ва онахонларимиз санаторияларда ва тиббиёт масканларида бепул даволанганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу ҳақда гапирганда, «Ортопедик реабилитация» илмий ишлаб чиқариш корхонасининг барча вилоятларда филиаллари ташкил этилиб, ёрдамга муҳтож ва ногирон кексаларни махсус аравачалар, эшитиш мосламалари ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш ишлари изчил давом эттирилаётганини ҳам тилга олиш мумкин.

Ёки бўлмаса, шу йил Қорақалпоғистон Республикасида «Тахиатош» санаторий-профилакторийси, Наманган вилоятида уруш ва меҳнат фахрийларига мўлжалланган «Косонсой» сиҳатгоҳи, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида «Саховат уйи» барпо этилганини айтиш ўринлидир.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ногирон ва қаровчисиз кексаларга 1 миллиард 340 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани, бу эса режадагидан уч баробар кўп экани ҳам албатта амалга оширилган ишлар салмоғидан далолат беради.

Бундан ташқари, 900 нафар ёлғиз отахон ва онахонларнинг уйлари давлат ҳисобидан таъмирлаб берилгани, 11 минг 700 нафар ёлғиз кексага давлат дастурида кўзда тутилган имтиёзли ёрдам амалга оширилаётгани, уларга 3 мингдан зиёд ҳамшира хизмат кўрсатаётгани, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари эса 3 минг 700 кексани ўз оталиғига олиб, уларга мунтазам ёрдам кўрсатиб келаётгани айниқса эътиборлидир.

Албатта, масаланинг маънавий томони, яъни оилада, маҳаллада, жамоат жойларида, тўй ва маъракаларда кексаларимизга бўлган ҳурмат-эътибор янада ортгани, улар доимо кўпчиликнинг эъзозида бўлиб келаётгани ҳақида ортиқча тўхталишга зарурат бўлмаса керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мана шу эзгу ишларга ҳисса қўшган саховатли инсонларга, турли хайрия ташкилотлари вакилларига ўз миннатдорлигимизни изҳор этиб, илоҳим, қилган хайрли ишларингизнинг савобини ўзингиз ҳам кўринг, бошингиз омон бўлсин, ҳеч қачон кам бўлманг, деб тилак билдирсак, адолатли бўлади, деб ўйлайман.

Нега деганда, уларни ҳеч ким бунга мажбур қилгани йўқ. Жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган мана шундай ижобий ўзгаришлар, одамларимиз ўртасида меҳр-оқибат, шафқат туйғулари тобора мустаҳкамланиб бораётгани шахсан мени беҳад қувонтиради.

Албатта, мўътабар қарияларимизга бўлган эътибор, бу йўналишдаги ишлар фақат шу йил билан чекланмайди, балки янги босқичда, янгича шаклда изчил давом эттирилади.

Чунки бизларни дунёга келтириб, вояга етказган, ўзининг меҳнати билан бугунги ҳаётга катта ҳисса қўшган кекса авлод олдида барчамиз ҳамиша қарздормиз. Уларни эъзозлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳурматли дўстлар!

Барча қувонч ва ташвишлар, муаммоларга қарамасдан, ҳаёт давом этаверади.

Мана, ҳадемай, Янги йил ҳам кириб келади. Янги йилимиз ҳам файзли, баракали бўлади, Яратганимиз бу йилда ҳам биздан меҳрини, марҳаматини аямайди, хонадонларимизга тинчлик-осойишталик, бахту саодат ато этади, деб ишонамиз.

Илгари ҳам кўп бор айтган гапимни яна такрорламоқчиман: биз пок ва холис ниятлар билан яшасак, Оллоҳни доимо қалбимизда, юрагимизда сақлаб, ундан сўрасак, ишончим комилки, биздан меҳр-мурувватини ҳеч қачон дариғ тутмайди.

Янги йилга ана шундай орзулар билан қараётган халқимизнинг фикрини, кайфиятини инобатга олиб, бу йилимизнинг ҳам ҳар томонлама хосиятли, файзу баракали бўлишини ният қилар эканмиз, менинг бир таклифим бор: кириб келаётган 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилсак.

Қадрли ватандошлар!

Бу масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, янги йилга бундай ном беришимизнинг боиси нимада, деган табиий савол туғилади.

Аввало, шуни айтиш керакки, «обод» деган сўз, «обод маҳалла» деган ибора замирида теран маъно бор.

Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барака ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ, деб ўйлайман.

Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Шу боис, маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади.

Барчангиз яхши биласиз, «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган ҳикматда жуда катта маъно бор.

Агар биз бу иборанинг ҳақиқий мазмунини сўзда эмас, амалда намоён этмоқчи бўлсак, шу маҳаллада яшайдиган ким бўлмасин — бевабечора ёки ногирон бўладими, омади келмаган биронбир оила бўладими, ёлғиз қолган қария бўладими — буларнинг барчасига нафақат моддий ёрдам беришимиз, аввало, меҳр-эътибор қаратишимиз зарур.

Шу борада, ҳеч шубҳасиз, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмак-мададга муҳтож бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан, уларнинг бошини силаб, бу одамларни ҳимоялаш учун, керак бўлса, давлат идоралари, мансабдорларнинг тинчини бузиб, тегишли ёрдам ва маблағни ундириб олиб, бугун қилаётган ишларининг самарасини янада кучайтирса, яъни маҳалла том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борса, биз кўп нарсага эришган, аҳолимизнинг розилигини олган бўламиз.

Лекин барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, бу масалада ҳамма нарса фақат бугунги маҳалла тизимига, унинг фаоллари ва ташкилотчиларига боғлиқ эмас.

Бунинг учун аввало давлат кўмагини янада кучайтириш, маҳаллага тегишли ҳуқуқий ваколатлар бериш, унинг низомини қайтадан кўриб чиқиш, имкониятларини кенгайтириш, биринчи галда, маҳалланинг моддий негизини мустаҳкамлаш ҳақида ҳаммамиз бош қотиришимиз, қаттиқ ишлашимиз керак.

Шу маънода, маҳалланинг туман ва шаҳар ҳокимликлари, маъмурий ва ҳуқуқни ҳимоя қиладиган ташкилотлар билан, керак бўлса, ижтимоий, нодавлат, сиёсий ташкилотлар билан алоқаларини расмий, яъни ҳуқуқий асосда йўлга қўйиш, бу борада ечилмаган барча муаммоларни қонуний тарзда ҳал этиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди, десак, хато бўлмайди.

Нега деганда, бу масалалар ечилмас экан, маҳалладан кўп нарсани талаб қилиш ўринсиз бўлади.

Шуни очиқ айтиш керакки, ҳақиқатан ҳам бугун биз маҳалла зиммасига кўп вазифаларни юклаяпмиз.

Шунинг учун ҳам бугун қайси масалаларда ҳокимият, қайси масалаларда маҳалла масъул эканини қонуний нуқтаи назардан аниқ белгилаб қўйиш вақти келди, деб ўйлайман.

Обод маҳалла йили бўйича ҳам махсус давлат дастурини қабул қилиб, уни амалга ошириш юзасидан ҳукуматимизга тегишли топшириқлар берилади, албатта.

Маҳалла ҳақида сўз юритганда, яна бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Бизнинг ҳаётимизни тебратадиган шундай бир соҳа борки, уни ҳеч қандай қонун ёки расмий ҳужжат билан чегаралаб, белгилаб бўлмайди.

Бу соҳа бевосита одамларнинг маънавияти, руҳий дунёси, мафкуравий онги, тафаккури билан боғликдир.

Шу жумладан, бир жойда яшаётган одамларнинг ўзаро алоқалари, оила муносабатлари дейсизми, қўни-қўшничилик дейсизми, қуда-андачилик дейсизми — буларнинг барчаси ғоят ўзига хос, сирли бир олам.

Бундай муносабатларни фақатгина расмий йўл билан, қонун ва фармонлар билан белгилаб бериб бўлмайди. Ва бунга интилиш ҳам калтабинлик, деб ҳисоблайман.

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Шунинг учун ҳам Шарқ оламида, ислом фалсафасида одамларнинг маҳалла, яъни жамоа бўлиб яшашида, жамият ҳаётида тинчлик ва осойишталикни сақлашда меҳр-оқибатлилик, шафқат ва мурувват нақадар катта ўрин тутганини англаш мумкин.

Шу сабабли, маҳалланинг аҳамияти ва ўрни ҳақида гапирганда, инсоннинг, оиланинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, бу руҳий дунёга қўполлик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказишда, ўйлайманки, маҳалладек идорага тенг келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ.

Азиз юртдошлар!

Шу фурсатдан фойдаланиб, халқимизга хос бўлган, ҳаётимизда катта ўрин тутадиган ва унга таъсир ўтказадиган қадриятлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Қадрият деганда, биз минг йиллар давомида шаклланган, одамларнинг ҳаёти, ички дунёсидан мустаҳкам ўрин олган, ҳеч қайси расмий ҳужжатда акс этмаган бўлса-да, унга барча амал қиладиган, инсонларнинг қон-қонига сингиб кетган анъана ва удумларни тушунамиз.

Лўнда қилиб айтганда, одамзод бор экан, миллат бор экан, шу миллатни ифода қиладиган, асрлар мобайнида қандайдир муқаддас даражага кўтарилиб қолган аломат-хусусиятлар ҳам у билан бирга яшайди.

Табиийки, ота-боболаримиз бизга қолдирган олижаноб қадриятларни, ғуруримизни кўтарадиган, халқимизнинг обрўсига обрў қўшадиган инсоний одат ва фазилатларни сақлаш, асраб-авайлаш ва энг катта бойлик тариқасида янги келажак авлодларга етказиш зарур. Бу масала бўйича ҳеч кимда, ҳеч қандай иккиланиш йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Кейинги йилларда қадриятларни тиклаш ва улуғлаш, буюк авлиё ва мутафаккирларимизнинг хоки ётган қадамжоларни обод қилиш, аждодларимиз меросини ўрганиш борасида кўп-кўп ишлар қилинаётгани ҳақида ҳам узоқ гапириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Чунки, бусиз биз буюк келажагимизни тасаввур этолмаймиз: миллатимизнинг томири, тарихи қанча чуқур бўлса, келажаги ҳам шунча буюк бўлади, деб тушунамиз.

Аммо ҳаётда шундай одат ва эскидан қолган удумлар борки, уларни миллатимиз ва халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар қаторига киритиш қийин.

Гап нима тўғрисида кетяпти?

Гап аввало миллий қадриятларимизни сохталаштиришга олиб келаётган, урф-одатларимиз ниқоби остида тўй-ҳашам ва маърака-маросимларимизни катта дабдабаларга, базми жамшидларга айлантириб, ҳаётимизга кучайиб кириб бораётган ўта хунук ҳаракатлар ҳақида кетяпти.

Бунинг негизида баъзи бир одамларимизга мансуб бўлган шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, ўзини кўз-кўз қилиш, очиқ айтиш керак, аввало бели оғримасдан, нопок йўллар билан топган пули ва бойлигини терисига сиғдира олмаслик каби иллатлар ва эски асоратлар борлигини кўриш мумкин.

Қанчалик аччиқ бўлмасин, бугун бу тўғрида гапирмасдан бўлмайди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай дабдабаларни ташкил қилишга бош-қош бўладиган, янги-янги маросимларни ўйлаб чиқарадиган ва шунинг ҳисобидан ўзининг манфаатини, керак бўлса, қандайдир сохта обрў топадиган, шу ишни ота касби қилиб олган маълум бир кимсалар борлигини ҳам очиқ айтишимиз зарур.

Албатта, бу ҳақда биринчи марта сўз юритаётганимиз йўқ. Бу хусусда жамоатчилигимиз, матбуот, радио ва телевидение, хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, жойлардаги кўпни кўрган оқсоқолларимиз куйиниб гапиради.

Одам шундан ҳайратда қоладики, бундай ҳеч ақлга сиғмайдиган ортиқча маросимлар ҳар бир оила, ота-онанинг елкасига оғир юк бўлиб тушаётганини ҳамма билади.

Чунки бундан асосан кўп болали оилалар азият чекади, қийналади, шунинг оқибатида қарздор ҳам бўлиб қолиб, қарзини узиш учун бошини кўтармасдан меҳнат қилади.

Менинг бир эски танишим бор. Баъзан кўришиб, телефонлашиб турамиз. Шу бечора тўрт-бешта боласининг тўй ташвишларидан қутулмай туриб, ҳали нафасини ростлаб олишга улгурмасидан, яна тўйга навбат келиб қолибди. Нима эмиш, энди неваралар-га бешик тўйи қилиб бериши керак эмиш.

Бу ҳақда одамлар билан суҳбатлашсангиз, улар, энди, ўзбекчилик, ор-номус, деган гаплар бор, дейди. Бошқача айтганда, шавла кетса, кетсин, обрў кетмасин, деб иш тутади.

Бизнинг халқимизда «кўпчилик қаторида» деган бир гап бор.

«Кўпчилик қаторида» деган иборани биз, аввало, атрофдаги жамоа, маҳалла-кўй билан бирга ҳамоҳанг бўлиб яшаш, уларнинг қаторидан чиқмаслик ва кўпгина ҳолатларда ор-номус деган тушунча билан чамбарчас боғланиб кетган қарашлар, деб қабул қилишимиз тўғри бўлади.

Ўйлайманки, бу жуда олижаноб тушунча.

Нега деганда, асрлар давомида шаклланган мана шундай қарашлар бошига мусибат, ҳаёт синовлари тушган одамларни ёлғиз қолдирмасликни, уларнинг дардига ҳамдард бўлиш, ғам-ташвишларини баҳам кўриш, ёвуз кучларга, бало-қазоларга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашишни англатади.

Шу маънода, бу тушунчани ёшларимизга, униб-ўсиб келаётган болаларимизнинг қалби ва онгига сингдириш, халқимизнинг ҳамжиҳатлигини ифода этадиган ҳаракатга айлантириш эл-юртимизга фаолиятини бериш лозим.

Биз ана шу таклиф ва тавсияларни таянган ҳолда, керак бўлса, янги қарор қабул қилишимиз, унда бу масала бўйича кўпроқ амалий ва таъсирчан чораларни кўриш ва бундай тадбирларни жамоатчилигимиз кучига суяниб, қандайдир чегарага солиш мақсадида иш олиб борсак, айни муддао бўлади, деб ўйлайман.

Мен ишонаман — халқимизнинг соғлом тафаккури, асрий тажрибаси, кўпни кўрган оқсоқоллар, ота-оналар, опа-сингилларимизнинг, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликнинг қатъияти билан бу муаммони оқилона ҳал қилишга бизнинг кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади.

Ҳурматли дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларни Конституциямизнинг 10 йиллиги байрами билан яна бир бор қутлайман.

Шу билан бирга, сизларни, сизлар орқали барча юртдошларимизни бутун дунё мўминмусулмонлари қаторида бизнинг халқимиз ҳам катта қувонч билан кутиб олаётган табаррук Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, файзу барака тилайман.

ЭЛГА ТАТИГАН ШОДИЁНА

(Давоми. Боши 1-бетда)

ликаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Караматовга берилди.

— Ўқитувчи шодлиги, — деди у ўз нутқида, — бутун элга татийди. Зеро, фарзандларимизга таълим-тарбия бераётган устознинг дарсга хушкайфият билан кириши синф партасида сабоқ олаётган ўғил-қизларимизга кўчиши, табиий. Бу эса ўз-ўзидан севинчи ичига сиғмай илм истаб мактаб қучоғига талпинаётган фарзанди нигоҳига боққан ҳар қандай ота-онани ҳам руҳлантириши тайин. Тўғри, бугунги ислоҳотлар жараёнида мазкур соҳада ҳам баъзи ечимини кутаётган муаммолар, айрим хато ва камчиликлар йўқ эмас. Бироқ, қувонарлиси шундаки, ушбу масалалар ҳам, энг аввало, сиз устозларнинг фидойилигингиз туфайли барҳам топмоқда.

Дарҳақиқат, ўқитувчилик фидойиликни талаб этади. Ўзтозларимизнинг бугунги заҳматли меҳнатлари натижасида ёшларимизнинг барча соҳаларда эришаётган ютуқлари, қўлга киритаётган муваффақиятлари замирида юрт шоншуҳрати, унинг келажагини тасаввур қилиш қийин эмас. Тақдирлаш маросими сўнггида ҳукуматимизнинг ўқитувчиларга, улар орқали умидимиз ниҳоллари бўлган фарзандларимиз тақдирига қаратилаётган эътиборга ўз миннатдорчиликларини билдирган устозлар шижоати, уларнинг ўз зиммаларидаги масъулиятни нечоғлик англаб етганликлари ўша тасаввуримизни янада бойитди, десак муболаға бўлмайди.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Суратларда: тантанадан лавҳалар акс этган.
А.БЕЗРУЧКО олган суратлар.

МЕҲНАТГА ЯРАША ЭЪТИБОР

Ҳар бир инсон ўзи туғилиб ўсган юртнинг равнақи, ёруғ истиқболи учун курашади, ана шу йўлда меҳнат қилади. Зеро, меҳнаткаш кишига етарлича эътибор рағбат бўлса, у янада юқори чўққиларга интилиб яшайди. Шу маънода, Асосий қонунимиз байрами арафасида турмушнинг барча жабҳаларида мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшган юзлаб ҳамюртларимиз ҳукуматимиз томонидан давлат мукофотлари, унвонлари билан тақдирландилар. Одат тусига кирган ушбу анъана бу йил ҳам кўплаб юртдошларимизнинг оилаларига, улар фаолият кўрсатаётган меҳнат жамоаларига катта қувонч бахш этди. Хусусан, Миллий матбуот марказида бошқа соҳалар қатори журналистика соҳасида кўп йиллардан буён ишлаётган бир гуруҳ ҳамкасбларимизга ҳам мукофотлар топширилди. Тадбирда сўзга чиққан Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Орипов, Матбуот ва ахборот агентлиги раҳбари Рустам Шоғуломов ва бошқалар бугунги оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ўрни хусусида, "тўртинчи ҳокимият" сари интилишда барча қалам аҳли мукофотланган ҳамкасбларимиз сингари фаол меҳнат қилишларини тилга олдилар.

Шу кунги тақдирланган журналистлар орасида "Маърифат" газетасининг Бухоро вилояти бўйича махсус мухбири Жаҳонгир Исмоилов ҳам "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" унвонига сазовор бўлганлиги, (суратда чапдан иккинчи) газетамиз жамоасига берилган баҳо бўлди. Биз махсус мухбиримиз Ж.Исмоиловга ва мукофотланган барча ҳамкасбларимизнинг фаолиятларига улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

К.АЛИОХУНОВ

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

Наманган вилояти Чуст туманидаги 1-мактаб касаба уюшмаси раиси Р.Аҳмадалиевдан

САВОЛ: *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августдаги №11-1213 рақамли фармони билан моддий рағбатлантирувчи фонд ташкил этилган эди. Ушбу Фармон хусусида ҳамда 15 фоиз рағбатлантирувчи пул мукофоти кимларга, қайси хизматлари учун берилиши ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз?*

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августдаги "Республика бюджет муассаса ва ташкилотларида пенсия, нафақа, стипендия ва иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони асосида ва Молия вазирлиги томонидан 1995 йил 8 сентябрда №98 рақамли буйруқ билан тасдиқланган "Бюджет муассаса ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди Низоми"га биноан 1996 йил 1 январдан Халқ таълими вазирлиги муассаса ва ташкилотларида 15 фоизли ходимларни моддий рағбатлантирувчи махсус фонди республика бюджетидан берила бошланган.

15 фоизли моддий рағбатлантирув махсус фонди маблағи ходимларнинг иш ҳақига қўшимча ҳақ ўрнатилишига ва уларни мукофотлашга сарф қилинади. У ҳар бир ходимнинг таълим-тарбия беришда ва ишнинг бажарилиши натижаларига қараб берилади. Меҳнат интизомини бузган, ишида қўпол хатоларга йўл қўйган ва бошқа хатоликлар учун бу маблағ қисман ёки тўлиқ берилмаслиги мумкин.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

БАҲТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Tanlov

Мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишида белгилаб берилган вазифалар ЎМКҲТ тизимида ҳам изчил амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида ҳар бир таълим муассасасида Бош қомусимиз тарғиботи билан боғлиқ бўлган махсус хоналарни ташкил этиш ва уларни юксак дид билан жиҳозлаш ишлари якунланиб, кутубхоналарда махсус бурчаклар ва китоблар кўргазмаси ташкил этилмоқда. Шунингдек, бу борада ўқитувчилар томонидан тайёрланган маруза матнлари юзасидан "Энг яхши маруза матни" ҳамда "Конституция — бахтимиз пойдевори" мавзуида ўқувчилар ўртасида энг яхши иншолар, ижодий ишлар ва расм-плакатлар танловлари ҳам мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ЎМКҲТ Маркази Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда ҳар йили ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида ўтказилиб келинаётган "Конституция — бахтимиз пойдевори" мавзусидаги республика кўрик-танлови ҳам юқорида қайд этилган вазифалар сирасига киради. Мазкур кўрик-танловнинг бу йилгиси ТДТУ қошидаги Чилонзор академик лицейида кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди.

Шу куни академик лицей фойесида намойиш этилган ушбу кўрик-танловнинг вилоят босқичида ғолиб бўлган таълим муассасалари ижодий ишларининг кўргазмаси ҳайъат аъзолари томонидан холисона баҳоланди. Республика босқичида ғолиб бўлган таълим муассасалари ўқувчиларининг "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" мавзусида ёзилган энг яхши иншо, баён, ёзма ишлари ҳамда бадиий чиқишлари ҳам намойиш этилди. Кўрик-танлов натижаларига кўра, Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейи ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги институти қошидаги Куйганёр академик лицейи жамоаларига фахрли 1-ўрин, Нукус политехника, Қамаши қишлоқ хўжалиги, Хива педагогика коллежларига 2-ўрин, Сариосиё қишлоқ хўжалиги, Каттақўрғон тумани Кадан қишлоқ хўжалиги, Бухоро педагогика ва Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежлари жамоаларига 3-ўрин насиб этди.

— Танлов ғолибларини тақдирлаш учун ЎМКҲТ Маркази томонидан 1 миллион 200 минг сўм миқдорида пул мукофоти ҳамда фахрий ёрлиқлар, Республика Бадиий Академиясининг ҳам махсус совринлари топширилмоқда, — дейди ЎМКҲТ Маркази "Соғлом авлод камолоти ва гуманитар таълим" бўлими мутахассиси Зокиржон Каримов. — Ўқувчиларнинг Конституциямиз ҳақидаги билимларининг йилдан йилга ошиб бораётгани ва мустаҳкамланаётгани уларнинг бугунги чиқишларида ҳамда танлов ҳайъатига тақдим этилган расмларда, альбомларда яққол акс этди.

Шунингдек, танловда энг турфа рангларда халқимиз ҳаёти ва Конституциямиздаги моддалар акс этган ўзига хос расмлар ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланиб, муаллифлар Ўзбекистон Бадиий академияси тавсиясига кўра тасвирий санъат йўналишидаги олий ўқув юртларига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинадиган бўлди.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА,
"Маърифат" мухбири

ОЛМОНИЯЛИК ЖУРНАЛИСТ БИЛАН МУЛОҚОТ

Uchrashuv

Яқинда Ўзбекистон миллий университети журналистика факультети талабалари немис журналисти Сюзана Дивеселдорф билан журналистик касб маҳорати мавзусида мулоқот ўтказдилар.

Сюзана Дивеселдорф "эркин" журналист бўлиб, у Берлинда жойлашган ТЭФА телевидениесида фаолият кўрсатади ва республика ҳамда халқаро майдондаги иқтисодий масалалар бўйича қалам тебратади. У телеканалнинг "Иқтисод" кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси ҳамдир.

Хорижий журналист талабаларга сўзлаган маърузасида Германиядаги журналистларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчи ва масъулиятлари хусусида, шунингдек дунёда машҳур "Шпигел" журналининг таниқли халқаро журналисти Рудольф Штайннинг ҳаёти ва ижодий фаолияти хусусида қизиқарли манбалар асосида ҳикоя қилиб берди. Сюзана хоним Олмониядаги "Presserat" нодавлат-нотижорат ташкилоти хусусида ҳам тўхталди. Мазкур муассаса 1954 йилдан буён фаолият кўрсатаётган бўлиб, унинг 10 дан зиёд нашриётида юзлаб етук журналистлар иш олиб боришади.

Мулоқот давомида талабалар олмон матбуоти хусусида ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларига жавоб олдилар.

Дилноз МУРТАЗОЕВА,
ЎзМУ талабаси

ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ

Tadbir

Қарияларни қадрлаш йили ва Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланган байрам тадбири Мирзо Улуғбек туманидаги 380-мактабгача таълим муассасасида ҳам ўтди. Бу тадбир бўлиб даргоҳда кўп йиллар меҳнат қилган мураббийлар, фахрий педагоглар ва ота-оналар йиғилдилар. Болажонлар томонидан ижро этилган рақс ва қўшиқлар ҳамда шоира Қ. Раҳимбоеванинг шеърлари йиғилганларга қувонч бағишлади. Тадбир сўнгида муассаса мудираси З. Нигмаджанова барчани байрам билан табриклаб, қарияларга гуллар ва совғалар улашди.

Назокат ХОЛМЕТОВА

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

ёхуд бурч ва ҳуқуқларини англашга ҳаракат қилаётган болажонлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунинг учун Конституция алифбосининг болажонларга қандай усуллар орқали ўргатилаётганини амалда кузатиш мақсадида Акмал Икромов туманининг ХТБ мактабгача таълим бўлими услубчиси Шаҳзода Шукурова билан учрашдим. Мутахассис эринмасдан туман боғчалари ҳақида гапириб берганидан шуни билдимки, Тошкент шаҳри ва умуман, республикамиз бўйича энг кўп (15 та) махсус мактабгача таълим муассасалари шу туманда жойлашган экан. Бошқалардан ажралиб турадиган жиҳатларидан бири шу бўлса, кейингиси бу ҳудуд мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг бошқалардан кўра кўпроқ диққатли бўлишини талаб қилинишидадир. Чунки, махсуслаштирилган таълим даргоҳлари ходимларининг ҳар доим зийраклик ва синчковлик билан ишлашларини шароитнинг ўзи тақозо қилади. Айнан шулар ҳақида фикр алмашиб турганимизда, туман ХТБ мудири Абдулла Раҳматуллаев ҳам суҳбатимизга қўшилди ва мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш масалалари ҳақида гапира туриб, мактабгача ёшдаги болаларнинг "Алпомиш авлодлари" соғломлаштириш маркази ҳозирда ўзини-ўзи тўлақонли иқтисодий таъминлаётганлигини айтди.

Ҳақиқатан ҳам 240 ўринли мазкур марказ раҳбари Моҳира Акромова Исроилда бўлиб ўтган маркетинг тизимини жорий этиш бўйича халқаро малака ошириш курсида қатнашиб, ўрганилган тажрибалар асосида иш олиб бораётган экан. Шунингдек, соҳадаги қатор ўзгариш ва янгиликлар бўлаётганлиги ҳақида билиб олганимдан сўнг, асосий мақсадим — Конституцияни ўрганиш масаласига эътибор қаратдим.

452-"Қуёшжон" таянч ҳаракат аъзолари шикастланган болалар учун махсус сиҳатгоҳ туридаги мактабгача таълим муассасасига етиб борганимда болажонлар аллақачон уйқуга кетган экан. Шу аснода мудира Муҳаббат Алишер қизи билан суҳбатлашиб, анча-мунча маълумотларга эга бўлдим. Бундан 2-3 йил аввал болалар кулгусию-йиғисига муштоқ бўлиб, ҳувуллаган бинода иккитагина гуруҳ билан иш олиб борилган боғчада бугун 100 нафардан ортиқ ширинтойлар тарбияланаяпти. Мўъжазгина, файзли бу муассаса болаларининг Конституция борасида қанчалик бийронликларини билиш учун эртага келишим кераклигини тушундим...

Эрта тонгда болалар қатори мен ҳам боғчага яқинлашар эканман, мадҳиямизнинг оҳиста янграётганини эшитдим. Ойиси билан кулибгина хайрлашган Муҳайёга:

— Қизалоқ, ҳозир янграётган қўшиқни биласанми? — дейман синаш мақсадида. У ҳам бўшашмасдан:

— Вой опажон, siz шунча катта бўлсангиз ҳам билмайсизми? Сизга мактабингизда ўргатишмаганми? Бу мадҳияку! Унинг шеърини боболаримиз Абдулла Орипов, мусиқасини Мутал Бурхоновлар ёзган, — дея менга ҳайрон бўлиб қарайди.

Шундан сўнг бу боғча болалари билан "эҳтиётроқ бўлиб" гаплашишим кераклигини хаёлимдан ўтказиб, ичкарига кираман. Мен хаёлга бериламан дегунимча, тарбияланувчилар аллақачон жисмоний машқларини, нонушталарини қилиб бўлишиб, машғулотларга киришиб кетишибди. "Ўрта гуруҳ" деб ёзиб қўйилган эшикдан мўралайман. Болалар, 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган куннинг 10 йиллигига бағишлаб тайёрлаётган эрталик машғулотини репетиция қилишаётган эканлар. Абдулҳай миттигина шоҳона тахтда Амир Темур бўлиб ўтирибди. Унинг атрофидаги "мулозимлар" эса бирин-кетин давлат мустаҳкамлиги учун хизмат қиладиган жиҳатлар ҳақида гапириб ўтишди. "Соҳибқирон" адолатдан сўз очиб:

— Қонун устувор бўлган жойда адолат ўрнатилади. Одамлар ўз бурчларини яхши билсалар, ёлғончилик ва бошқа зарарли ҳолатлар учрамайди. Шунинг учун менинг кенгашим, ҳар доим тузукларимизга амал қилинг ва халққа меҳрибон бўлинг..., — дейди.

Шундан сўнг "Озодлик" мусиқаси янграб, бугунги кунимизнинг кўринишлари митти мушоҳадалар орқали талқин этила бошланди. "Капалак қизчалар" давлатимиз, мустақиллик, Конституциямиз, рамзларимиз, беғубор болалик ҳақидаги шеърларни равон ўқиб беришгач, Дилшодбек чиқиб:

— Биласизларми азиз дўстларим, бизлар бугун тинч ва осуда яшаяпмиз. Бунинг ҳаммасига сабаб, Бош Қонунимиз бўлган Конституциямизнинг инсон манфа-а..., манифа..., (у "манфаатларини" сўзининг талаффузига қийналади. Бу пайтда тарбиячи Ноиба Ҳакимова ушбу сўзни "одамлар фойдаси" ибораси билан алмаштирди ва у яна тутилмасдан ўз монологини давом эттирди) ... одамлар фойдасини кўзлаб қабул қилинганлигидадир...

Унинг гапларига Умиджон қўшилади.

— Тўғри айтасан, бизнинг қонунларимиз инсонпарвар ва болажон. Шунингдек, бутун дунёда биз болаларнинг бахтимиз учун яхши кишилар курашадилар... (гапларини эсидан чиқариб қўйди). Шунда қизиққон Мафтуна бирданига:

— А-а-а, сен ҳозир бола ҳуқуқлари конвансаси (конвенция демоқчи) ҳақида гапирмоқчи эдинг-а. У китобда бизга ўхшаган ҳамма болаларнинг йиғламасдан, тез-тез катта бўлишлари учун қилиш керак бўлган ишлар белгиланган... — Шунда кўрсаткич бармоғини оғзига солиб турган "р" ҳарфини айтолмайдиган (буни у гапиргандан сўнг билиб олдим) Азиза:

— Боғча опа, негий (қора танли демоқчи) болалар ҳам яхши бўладими? — дейди. Ҳамма нарсани биладиган боғча опа (албатта, болалар назарида боғча опа шундай кучга қодир) уларга тушунтира кетади:

— Мана, бизнинг давлатимиз Ўзбекистон, тўғрими? (тасдиқ жавобини олгач) Ўзбекистон шу ерда яшайдиган болалар ва бошқа одамларнинг яхши яшашлари учун шароит яратади. Худди шунингдек, бошқа давлатларда ҳам...

Бу каби ҳижжалаб тушунтириш жуда узоқ вақт давом этди ва мен секин "тайёрлов гуруҳи" деб ёзиб қўйилган эшикдан ички кираман. Бирдан одатдан ташқари ҳолатга дуч келаман. Чунки ҳар доим тарбиячилар хотин-қизлардан бўлгани учун бу ерда болалар билан ишлаётган йигит кишини кўриб, очиғи ҳайрон қолдим. Ўзини Мансур Йўлдошев деб таништирган бу йигит болаларга инглиз тили машғулотларини ўтаётганлигини айтди. Мен Мансурнинг рухсати билан гуруҳ хонасининг бир четида болаларга халақит бермасдан кузатувчига айландим. Анчагина инглиз тили талаффузига тили келишиб қолган болалар бирин-кетин 20 гача санашди ва тарбиячи доскага вертикал тарзда "constitution" деб ёзган сўзининг ҳар бир ҳарфига ҳали чарчамаган хотираларидан сўзлар қидира бошлашди. Ниҳоят, болакайлар талашиб-тортишиб доскага мана бундай сўзларни ёзишди:

Maktabgacha ta'lim

C — capital — poytaxt
O — open — ochiq
N — national — milliy
S — symbol — ramz
T — table — stol
I — independence — mustaqillik
T — tea — choy
U — Uzbekistan — O'zbekiston
T — today — bugun
I — ice cream — muzqaymoq
O — orange — apelsin
N — nation — xalq

Ҳали мактабгача ёшдаги бўлган болаларни эркин қўйиб, ўйин ҳолатида фикрлашга, изланишга ўргатиб ўтилаётган бу машғулотдан шундай қарорга келдимки, тарбияланувчилар нафақат ўз тилимизда, балки хорижий тилда ҳам халқ, давлат, пойтахт, қонун сўзларининг номларини билишади. Албатта, тарбиячи бу сўзни жуда содда қилиб, расмлар, ўйинчоқлар, кўргазмали қуроллар орқали тушунтириб бераётгани учун ҳам болажонларнинг кундан-кунга ақллари чархланиб бораяпти.

Бу гуруҳдан чиққанимдан сўнг мудира Муҳаббат опа, Мансур Йўлдошевнинг ҳали талаба бўлса-да, ўз хоҳиши билан ҳеч қандай маош олмасдан дарсдан бўш пайтларида болаларга инглиз тили сабоқларини ўргатаётганлигини айта туриб, соғломлаштириш ишлари бўйича инструктор Дилфуза Пўлатованинг иш жараёнига мени қизиқтириб қўйди. Бу хонада эса ясситовон болалар тахта йўлакчаларда турнақатор тизилиб, ҳар хил ҳаракатлар қилишарди...

Энг сўнггида "Қуёшжон"нинг қуёшдек кулиб турган болалари билан хайрлашар эканман, бу ерда халқимизнинг нуридийдалари жисмонан соғлом ва маънан теран бўлиб ўсаётган экан, ҳуқуқий демократик давлатимизнинг келажак давомчиларидан олий мақсадлар рўёбини кутсак бўлади, дея хулоса ясадим.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

ДАРСЛИКЛАРДА ҲАЁТИЙ МИСОЛЛАР АКС ЭТТИРИЛГАНМИ?

Davra suhbati

Инсон яралибдики, қандайдир қонун-қоидаларга бўйсуниб яшашга мажбур. Зеро, ҳаётнинг ўз ёзилган ва ёзилмаган қонун-қоидалари кўп. Уларни билмаслик, гоҳида эса тушунмасликка олиб риоя қилмаслик инсоннинг кўпинча ноқулай вазиятларга тушиб қолишига сабаб бўлади. Шу боис ёшларга ёшликданоқ ўз ҳақ-ҳуқуқлари билан биргаликда бурчлари хусусида ҳам маълумот бериб бориш уларнинг келгуси қўйилажак қадамларининг тўғри ва аниқ бўлишини таъминлайди. Конституция эса ҳар бир жамиятнинг асосий қонунлари битилган муқаддас ҳужжат ҳисобланади. У демократик жамият тамо-йили ҳамдир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда фарзандларимизни ҳаётда турли хил ноқулай вазиятларга тушуб қолмасликларининг олдини олиш мақсадида Бош қомусимизни улар онгига сингдиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борадаги ишлар айниқса, Юртбошимизнинг 2002 йил 4-январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармонларидан сўнг янада жонланди. Хўш, ўтган вақт мобайнида амалга оширилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ қандай ютуқларга эришилди-ю, муваффақиятлар кўламини кенгайтиришда яна нималарга эътибор қаратмоқ лозим?

Республикамиз Конститутцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан республика Таълим марказида дарслик муаллифлари, методистлар ва амалиётчи-ўқитувчилар ўртасида ўтказилган давра суҳбатида айни юқоридаги саволларга жавоб изланганлиги муҳим аҳамият касб этди.

Давра суҳбатини республика Таълим маркази директори Г.Алимова очар экан, демократик тамойиллар асосида эркин фуқаролик жамияти қуришда аввало, жамият кишиларининг ҳуқуқий саводхонлиги юқори бўлиши муҳим ўрин тутажагини таъкидлади. Бу эса бугун ўқувчиларга сабоқ бераётган ўқитувчилар зиммасига улкан масъулият юклайди. Зеро, айни пайтда мактаб партасида хат-савод чиқараётган ўқувчи эртага қурилажак жамиятнинг пойдеворини мустаҳкамламоғи даркор.

Наргиза ИСМАТОВА, *РТМ методисти:* — *Эътибор беринг, мактабгача тарбия муассасаларида энди тетапоя қилишни бошлаётган болага "Конституция сабоқлари"дан илк тушунчалар сингдирила бошланса, бола 1—4-синф ўқувчиси бўлган даврда "Коституция алифбоси", 5—7-синфларга ўтгач эса "Коституция оламига саёҳат", 8-синфда "Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари", 9-синфда "Конституциявий ҳуқуқ асослари", 10—11-синфларда эса "Ҳуқуқшунослик" фанлари киритилган бўлиб, булар ҳуқуқий тарбиянинг узвийлигини таъминлайди. Шуни таъкидлаш лозимки, болага берилаётган бундай тартибдаги билим ўзига хос ажралмас занжир ҳосил қилган бўлиб, ўтилаётган дарслар ўқувчи тафаккури ривожланган сари тобора такомиллашиб, бир-бирини тўлдириб ундаги ҳуқуқий билимнинг ошишига хизмат қилмоқда. Унинг самараси ўлароқ ўқувчилардан олинган анкета тестлари таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, боладаги ҳуқуқий кўникманинг шаклланиши боис уларда ўзлари амалга ошираётган ҳар бир хатти-ҳаракатга нисбатан масъулият ошган.*

Қонун устуворлиги давлатимизнинг асосий тамойилларидан бири экан, бу йўлда фақат ўқувчиларнинг замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларига эга бўлиши етарли эмас. Бинобарин, ўқувчи дунёқарашини шакллантиришда мактабдан ташқари ўтказиладиган турли тадбирлар, ҳуқуқий саводхонликка доир кечалар, учрашувларнинг ҳам ўз ўрни бор. Шу боис бугунги кунда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган "Ҳуқуқшунослик" фани бўйича умумтаълим фан олимпиадалари мазмун-моҳиятига бир қанча ўзгартиришлар киритилди. Бундан ташқари, "Конституция — бахтимиз пойдевори", "Сиз қонунни биласизми?", "Сиз тарихни биласизми?" кўриктанловлари шартларига ҳам Бош қомусимизга доир саволлар киритилди. Эътиборлиси, фарзандларимизнинг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш мақсадида ЮНИСЕФ, СОРОС каби халқаро нодавлат ва нотижорат ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланмоқда.

Ўз ўрнида ёдга оладиган бўлсак, илгарилари мактабда ўқувчи фақат 9-синфга келибгина "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фанини ўқишга киришганлиги боис бу даврда олинган билимлар ўқувчининг ёши ва тафаккур тарзи ўртасида катта тафовутларни юзага келтирар эди. Албатта, мазкур муаммо бугунги кунда қайсидир жиҳатдан айтадиган бўлсак ечимини топди. Бироқ, айни жараён нашр этилаётган дарсликларни янада такомиллаштириш, уларни юртимизда таҳсил олаётган қардош миллат вакилари учун ҳам тушунарли тилда чоп этиш, фанни ўқитишда ўзига хос янгича методларни қўллаш, бу борада ўқитувчиларга ҳам услубий кўмак бериш вазифалари турибди. Ўйлайманки, мазкур муаммолар ҳам тез орада ўз ечимини топади.

Мукаррам МЎЙДИНОВА, ТШПҚТМОИнинг ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси мудири:

— Болага ёшлик чоғиданоқ нима қилиш мумкин, нима килиш мумкин эмас, деган қоидани оиладан ўргатиб борамиз. Бироқ боланинг қайси хатти-ҳаракатлари ҳуқуқбузарлик эканлигини, маълум бир ҳуқуқбузарлик учун давлат томонидан белгилаб қўйилган жазо чораларининг мавжудлигини қаерда ўргатамиз? Боланинг онгига ҳуқуқий саводхонликни, олмоқда. Бу билан энди муаммо тугадими? Йўқ, албатта. Дарслик яратилиб ўқувчининг қўлига етиб боргани билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Тўғри, давра суҳбатида таъкидланганидек, айни вақтда ўқувчига ўқитиладиган фанларнинг кўплиги боис ўқувчида ҳуқуқий саводхонликнинг оширишга хизмат қилувчи дарсликларнинг кутубхонада бўлиши баъзи қизиқувчи ўқувчиларнинг мустақил ўқиб ўрганишларига туртки бўлади. Лекин дарс жадвалига қўйилмаган предметни қизиқиб ўқийдиган ўқувчиларимиз, уларни қизиқтирадиган ўқитувчиларимиз ҳали кўп эмас. Бола мустақил ўқиб ҳуқуқий онгини оширади, деб ўйласак хато бўлмасмикан?

Бундан ташқари, мактабгача тарбия муассасалари учун турли расмлар, 1-4 ва юқори синф ўқувчиларига мос ҳолда дарсларда фойдаланиш учун кўргазмали қуролларнинг йўқлиги ачинарли ҳолдир. Зотан, кўргазмали ва техник воситалар дарс самарадорлигини ошириб, боланинг фанга нисбатан қизиқишларини орттиради.

Ўйлайманки, оқсоқ жойларимиз кўп. Токи, юртимизда яшаётган барча фуқаролар билан ҳар бириболанинг тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган. Шу боис мен биринчи навбатда мазкур дарсликларнинг муаллифларига, унинг мана шундай сифатли нашр этилишини таъминлаган нашриёт ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Маълумки, Конституция давлатдаги борча қонунларни бир мақсад, бир ғоя ва бир тартибга бўйсундирадиган асосий қонун ҳисобланади. У ҳукумат томонидан чиқариладиган барча бошқа қонун ва қарорлар учун асосий манбаадир. Оддий тил билан айтадиган бўлсак, Конституция — қонунларнинг қонуни, жамиятдаги тартиб-қоидаларнинг ҳуқуқий асосидир. Шу боис мактабдаги ўқитувчию ўқувчиларнинг жамиятда юз бераётган ислоҳотлар, уларнинг маъно-моҳиятини тезда илғаб олишлари учун аввало, илм ўчоқларидаги асосий манбаа — кутубхоналар фондини ҳуқуқий нашрлар, ўқув-қўлланмалар, илмий адабиётлар, кўргазмали қуроллар билан бойитиш лозим. Зеро, ўқитувчи ўқувчига дарсни фақат дарслик ёки методик қўлланма асосидагина машғулот ўтмасин. Бу эса ўз ўрнида ўқувчини ҳам янада кўпроқ ўқиб-ўрганишга ундайди. Бундан ташқари, бугунги кунда ўқитувчи қўлида фанни янада қизиқарли ўтказишда кўргазмали қуролларнинг камлиги, тўғрироғи эса йўқлиги баъзи қийинчиликлар туғдираётганлиги сир эмас.

Татьяна ЧАБРОВА, *"Болалар ва катталар" нодавлат жамияти раиси "Азбука Конституции" дарслиги муаллифи:*

— Бошланғич синф ўқувчилари, яъни 1—4-синф рус тилида таълим оладиган ўқувчиларига Ўзбекистон Республикаси қонунларининг алифбосини ўргатишга хизмат қилувчи "Азбука Конституции" ўқув қўлланмаси болаларнинг ёшига ва айни ёшда унинг дуч келиши мумкин бўладиган ҳуқуқлари билан бир қаторда мазкур даврда жамият, Ватан ва оиласи олдидаги бурчлари нималардан иборат эканлиги содда тилда ва ҳаётий мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қилинган. Бу эса дарсликнинг ўқувчига қизиқарли бўлишини таъминлайди. Қолаверса, ўқувчини ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишга ундайди. Эътиборлиси, дарсликнинг ҳаётий мисолларга бойлиги болани бирор савол устида мушоҳада юритишга ва унга жавоб топиш мақсадида мустақил ўқиб-ўрганишга ҳам чорлайди. Эътироф этиш керакки, мазкур дарсликнинг яратилишида республика Таълим марказининг кўрсатган йўл-йўриқлари, услубий кўмаклари муҳим аҳамиятга молик. Ўйлаймизки, фарзандларимизнинг камоли йўлидаги бу каби ибратли ишларимиз ҳали давом этади.

Албатта, юқорида давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаганларидек, ёшларимизнинг ҳуқуқий билимларини ошириш орқали уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишлари билан бир қаторда юрт, жамият олдида бурч ва вазифаларини теран англашлари йўлида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ буни мулоҳозалар сўггида чиқарилган хулосаларга кўра ҳали етарли даражада деб бўлмайди. Йиғилиш ниҳоясида бу борадаги ишларни ривожлантиришга қаратилган янги таклифлар атрофлича ўрганилиб, келгуси режалар белгилаб олинди.

Давра суҳбатини Баҳодир ЖОВЛИЕВ ёзиб олди.

МАДҲИЯМИЗ — ҒУРУРИМИЗ

Республика Маънавият ва маърифат кенгашида Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланган "Мадҳиямиз — ғуруримиз" мавзуида маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

— Давлат рамзлари қадимдан ўзини улуғ билган, таниган давлатнинг тимсоли бўлиб келган, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, давлат мадҳияси матни муаллифи Абдулла Орипов анжуманда. — Мадҳия ҳам шундай рамзлардан бири ҳисобланади. Амир Темур бобомиз "жанг вақтида ҳеч қачон байроқ туширилмасин, чунки бу аскарларнинг руҳиятига таъсир қилади. Ҳатто охирги жангчи қолган вақтда ҳам байроқ эгилмасин, бу давлатнинг енгилганидан далолат беради", дея кўрсатма берган эканлар.

— Мадҳияни тайёрлашда буюк бастакор Мутаваккил Бурҳонов билан бир ҳафтадан ортиқроқ вақт давомида пианинонинг олдидан кетмаганмиз, — дея сўзида давом этди А.Орипов. — М.Бурҳонов мусиқа ёзиш мобайнида ҳар бир сўз, ҳаттоки ҳарфга эътибор қаратарди.

Анжуманда сўзга чиққанлар давлат рамзлари, ёш авлодда, умуман барча фуқароларда уларга бўлган ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, ривожлантириш зарурлиги ҳақида гапиришди.

"Туркистон—пресс"

Ўқувчи қайси маҳаллада истиқомат қилади? Бу ерда аҳоли сони қанча? Хонадонлар неча? Унинг номланиш тарихи ҳақида болалар ўз ота-оналаридан нималарни эшитишган? Ўқувчилар ана шу саволларга жавоб тўплашлари лозим.

Хўш, бугунги абитуриентлар қандай соҳа ва мутахассисликларга қизиқишмоқда? Булар — математика, техник, гуманитар таълим йўналишлари, педагогика, табиий фанлар каби мутахассисликлар.

Matbuot anjumani

Куни кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма ва муассасалари раҳбарлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида сўзлаган "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги маърузасида истиқлолнинг дастлабки йиллари борида амалга оширилаётган ишларни сарҳисоб қилиш ва бу борада кенг жамоатчиликка батафсил ахборот бериш мақсадида 50 га яқин турли вазирлик ва идора-муассаса раҳбарлари, мутасадди вакиллари иштирокида турли мавзуларда матбуот анжуманлари ўтказилиши режалаштирилган эди. Ушбу учрашувларнинг дастлабкиси Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари билан ҳамкорликда ташкил қилинган бўлса, ҳафтанинг душанба кунида бўлиб ўтган анжуманда Олий таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов бошчилигидаги бир гуруҳ масъул ходимлар шунингдек, бир қанча олий ўқув юртлари раҳбарлари қатнашдилар.

ДАСТУР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Анжуманда нутқ сўзлаган вазир — Саидаҳрор Ғуломов олий таълим тизимида ислоҳотлар боришининг бугунги аҳволи "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалда бажарилиши, бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар ҳамда мавжуд камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Шунингдек, нотиқ олий таълимда дарсликлар муаммоси, таълим самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ янгиликларга ҳам тўхталди.

Матбуот анжуманида иштирок этган журналистлар ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга қатнашчилардан жавоб олдилар.

М. ИСРОИЛОВ

ФАОЛЛИККА ЎНДОВЧИ ДАРСЛАР

Jarayon

Ҳозирги замонда жамият тараққиёти билимдон, ижодий қобилиятга эга касб эгаларини етиштиришни талаб қилмоқда. Бу масаланинг дастлабки ечими мактаблардан бошланади. Ўқув жараёнига татбиқ этилаётган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда УЎТМ учун яратилган Давлат таълим стандартида ўқувчиларнинг билишлари зарур бўлган мажбурий билимлар ҳажми аниқ кўрсатилган. Уларни ўқувчиларга етказиш, фақат пухта билим эмас, балки мустақил равишда ўқий олиш ва ижодий изланишга йўналтириш, ўз фикрий қобилиятини ривожлантира бориш кўникмаларини орттириш учун ўқитувчилар педагогиканинг турли шакл ва усулларидан фойдаланишлари зарур.

Бугунги кунда ҳар бир ўқитувчи ўқувчилар ижодкорлигини, фикрлаш қобилиятини ошириш, мустақил фикрлашга ўргатиш учун дарснинг янгича, яъни ноанъанавий услубларидан кенгроқ фойдаланиши зарур.

Мактабимизда ҳам давр талабини чуқур ҳис қилиб, дарс жараёнида ўқувчиларга фанлардан чуқур ва мустаҳкам билим бериш билан бирга уларнинг билимга қизиқишини ошириш мақсадида янги тажрибалар қўлланётган ҳамкасбларимиз бор. Бу борада фидойи ўқитувчиларимиздан Янглиш Бойтўраева, Худойберди Йўлдошев, Суннатилла Шомуродов ва Абдуқаюм Холмўминовлар янги педагогик технологиядан — инновацион усуллардан кенг фойдаланишмоқда. Улар томонидан ташкил этилаётган янгича конференция дарслари, семинар дарслари, баҳс-мунозара дарслари, турли хил ўйинлардан фойдаланиб ўтказиладиган дарслар, техника воситалари асосида ташкил қилинадиган дарслар жуда самарали бўлмоқда.

Қизиқарли ташкил этилган бундай машғулотлар ўқувчиларни билим олишга қизиқтиради, мустақил фикрлашга ўргатади. Умуман, энг қолоқ ўқувчини ҳам дарс жараёнида фаол иштирок этишга ундайди.

Асатулло ШОМУРОДОВ,
Ғаллаорол тумани
Б.Убайдуллаев номидаги
77-мактаб директори

ҚИШКИ ТАЪТИЛНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАСИЗ?

Ўқув йилининг биринчи чораги якунланиб, иккинчиси давом этяпти. Ҳар чоракнинг таътили бор: кузги, қишки, баҳорги ва ниҳоят ёзги. Ўқувчилар учун эса ҳар бир чоракда бериладиган таътилнинг ўзига хос гашти бор.

Ҳадемай, декабрь ойининг сўнгги кунлари, яъни 30, 31 санасида умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун қишки таътил эълон қилинади. 12 кунлик дам олиш даври кўз очиб-юмгунча, бир нафас ростлагандек ўтиб кетади. Аммо, уни рисоладагидек, кўнгилли ва мазмунли ўтказиш таълим муассасалари раҳбарлари зиммасига масъулият юклаши лозим.

Қишки таътилни қандай ўтказиш керак? Олдимизда янги 2003 йилни қарши олишдек катта, қувончли бир тадбир турибди. Албатта, бу санани кутиб олиш, нишонлаш ўқувчилар қишки таътилининг дастлабки кунларига тўғри келади ва охирига қадар давом этади.

Тарихга айланиб бораётган 2002 йилда ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизда, давлатимизнинг куч-қудратини, халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш йўлида, юртдошларимизнинг турмуши ва ўй-ташвишларида, кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳаларида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Қарияларни қадрлаш йилида юртимизда азал-азалдан кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган иззат-икром, меҳр-оқибат янгича бир кўринишлар билан ўзининг яна бир карра исботи ва ифодасини топди.

Шу ўринда "Кекса авлод — ёш авлодга", "Биз сиздан ўрганамиз", "Ота-боболаримиз ҳаёти — ибрат мактаби", "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи", "Қари билганни — пари билмас" каби мазмундаги учрашув, мулоқот ва тадбирларни қайсики таълим даргоҳлари уюштирган бўлса, ўша жойда ёшлар тарбиясини яхшилаш йўлида муҳим қадам ташланди, деб таъкидлашга асос бор. Бу ўз-ўзидан кўриниб турган ҳақиқатдир. Жорий йилда улуғ аждодларимизнинг ўтмиши, тарихи, шарқона урф-одатлари ва қадриятларини ўрганиш, тиклаш борасида кўп сонли педагог ва мураббийларнинг олиб борган изланишлари аҳамиятга молик бўлди, деб айтишимиз мумкин.

Айни дамларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 10 йиллиги нишонланган байрам кайфиятидамиз. Ҳар йили шу кунни халқимиз орзиқиб кутади, чунки айнан ўша сана арафасида келаётган йилнинг номи Президентимиз томонидан эълон қилинади. 2003 йил — Обод маҳалла йили, деб эълон қилинди. Юртбошимиз таъкидладики, **"Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини-ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз."**

Дарҳақиқат, халқимизда "Бир болага етти маҳалла ота-оналик қилади" деган гап бор. Қадим-қадимдан халқимиз ҳаётида **мактаб+маҳалла+оила** тизими мавжуд. Демак, умумтаълим мактаб ўқувчиларининг қисқа муддатлик қишки таътилларини мароқли ўтказишдан маҳаллалар ҳам четда турмасликлари керак. Зеро, болажонларимизни тарбиялашда учала тизим ҳамкорлигидаги олиб борилаётган ишлар ўз самарасини беради. Қишки таътил тадбирлари маҳалла ҳудудидаги барча ёшлар ва турли тоифадаги фуқароларни жалб қилиш ҳамда уларнинг қизиқиш ва интилишларига мос бўлиши талаб қилинади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, ота-оналар ўқувчиларнинг дам олишлари, Янги йил байрамини кўнгилдагидек ўтказишларига ҳаракат қиладилар. Қишки таътилни қизиқарли ва сермазмун ўтказишда "Ассалом, Янги йил!" байрами мазмунига мамлакатимизда, вилоят, шаҳар, туман, мактаб миқёсида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар ҳисоботини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шу ютуқларга эришишда ўз ҳиссаларини қўшаётган мактаб ўқувчиларини рағбатлантириш лозим. Шунингдек, байрам кечасини

Metodik tavsiya

кўнгилли ўтказиш мақсадида викториналар, танловлар, саҳна кўринишлари муҳим аҳамиятга эга. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, байрамни ўтказишдан олдин апплекациядан ясалган турли ўйинчоқлар, деворий газеталар танловини уюштириш, совринли ўринларни олган ўқувчиларнинг ишларидан тадбир ўтказиладиган жойда фойдаланиш керак. Тадбирда ўқувчилар томонидан тайёрланган либос ва ниқоблардан фойдаланишнинг ҳам ўзига хос аҳамияти бор. Албатта, байрам концерт дастурисиз ўтмайди. Эртак қаҳрамонлари — Бўри, Айиқ, Қуён, Тулки ниқобларини кийган ўқувчилар ўзига хос саҳна кўринишларини намойиш этишлари керак.

Таътил кунларининг ҳар бирининг ўзига хос ўрни, тартиботи ёки мазмунини эътиборга олиш керак. Уни умумий тартибда, пала-партиш ўтказиб бўлмайди. Шу жиҳатдан олганда, 12 кунлик таътилнинг ҳар бир кунига юкланган вазифа бўлиши лозим. Ана шу мақсадни ўзига жам этган тахминий тадбирларни тавсия қиламиз.

Биринчи кун. Янги йил, қиш мавсумига бағишланган "Ким чиройли чизади?" деб номланган расмлар танловини ўтказиш мумкин. Ғолиб деб топилган ишлар тадбир ўтадиган жойга осиб қўйилади. Бундан ташқари, деворий газталар, қўлда тайёрланган ўйинчоқлар, қиш тўғрисидаги энг қизиқарли шеърлар танловини ҳам ўша куннинг ўзида ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи кун. "Эртакларнинг янги талқини". Янги йилга мослаштирилган эртаклар танловини ўтказиш. Бунда ҳамма болалар ёд биладиган эртаклардан воз кечиб, унинг ўрнига замонавийлаштирилган, тарбиявий аҳамиятга эга ҳикоялар тузиш, лавҳаларда ижро этиш байрам руҳига бир қадар мазмун бағишлайди.

Учинчи кун. "Маҳалланг ҳақида нималарни биласан?". Бу деярли ҳали кўп ҳам мурожаат этилмаган мавзу ҳисобланади. Янги йилнинг Обод маҳалла йили сифатида номланиши бунга замин яратади. Ўқувчи қайси маҳаллада истиқомат қилади? Бу ерда аҳоли сони қанча? Хонадонлар нечта? Унинг номланиш тарихи ҳақида болалар ўз ота-оналаридан нималарни эшитишган? Ўқувчилар ана шу саволларга жавоб тўплашлари лозим. Маҳалла фахрийлари билан бўладиган учрашув ҳам хаёлдан кўтарилмаслиги керак.

Тўртинчи кун. Ҳаммадан ҳам бошланғич синф ўқувчилари учун янги йил тадбирларининг ўзига хос қувончи борлигини биласиз. Улар билан эрталиклар уюштириш, совға-саломлар улашишнинг ўзига хос унутилмас жиҳатлари бор.

Бешинчи кун. Ўн саккиз минг оламнинг биз билган, билмаган сир-синоатлари кўп. Биз "Ҳар соҳадан бир шингил" деган иборани кўп ишлатамиз. Ана шу шиор остида қизиқарли викториналар, тест саволжавоблари орқали ўқувчиларнинг билим савияларини ўлчаш қишки таътилдаги муҳим "тарози" бўлиши мумкин.

Олтинчи кунни "Донолар бисотидан" деб номланг. Ўзбек халқи бой меросга эга. Унинг олтин меросидан минглаб эртаклар, афсоналар, мақол ва иборалар жой олганки, ёш авлоднинг уларни қай даражада билишлари беллашувда намоён бўлади.

Еттинчи кун. "Қувноқлар ва зукколар" беллашуви таътил давридаги алоҳида тадбирга айланиши лозим. Бунда болаларнинг ёш ва жисмоний хусусиятлари ҳисобга олинади. Хусусан, беллашувни бошланғич синфларда ҳам, таянч бўғинда ҳам ва юқори синф ўқувчилари даврасида ҳам ўтказавериш мумкин.

Саккизинчи кун. Спорт тадбирларини ҳам унутиб бўлмайди. Агар чор-атроф қалин қор билан қопланган бўлса, бундай шароитда ҳам спорт мусобақаларини уюштиришга имконият топиш мумкин. Ёпиқ спорт базалари, клублар назарда тутилмоқда.

Таътилнинг қолган кунларини ҳам эсда қоларли, тарбиявий аҳамиятга эга тадбирлар билан ўтказишда ҳар бир педагогик жамоа изланиши лозим. Кино, театр, цирк, томошалари, музей ва зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштиришни унутмаслик лозим.

Қисқасини айтганда, қишки таътил бир лаҳзалик. Аммо ҳар бир таълим муассасаси, мактабдан ташқари қўшимча таълим мажмуалари шунга ҳаракат қилишлари керакки, амалга ошириладиган ҳар қандай тадбир ўзига хос аҳамияти билан болалар қалбига кўчсин.

Республика
Таълим маркази
"Маънавий-маърифий ишлар" бўлими

Tahlil

ТЕСТ ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАРНИ БЕРМОҚДА?

62 та олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш бўйича ўтказилган жорий йилдаги тест синовларининг қисқача таҳлили

2002 йил мамлакатимизда тест тизими жорий қилинганлигига 10 йил тўлди. 1992 йил 11 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига ўқишга қабул тизимини такомиллаштириш ҳақида"ги Фармони эълон қилинди. Ушбу тарихий ҳужжат тубдан ислоҳ қилиш, демократлаштириш жараёнини бошлаб берди, олий таълим муассасаларига қобилиятли, билимга чанқоқ ёшларни танлашда ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича ўтказилаётган тест синовларининг натижалари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиш даражасини баҳолаш, республикамиз таълим мажмуаларидаги тамойилларни, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги тайёргарликнинг сифат ва савиясини аниқлаш имконини бермоқда.

Шу ўринда Давлат тест марказининг 10 йиллик фаолиятига қисқача тўхталсак. 1992 йилнинг апрель ойида Президентимиз Фармонига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг олий ўқув юртларига қабулда тест синовларини ўтказиш ва 1992 йил 15 апрелдан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида абитуриентларни танлаб олиш бўйича республика марказини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Марказ зиммасига олий ўқув юртларига талабаларни танлаб олиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва таълим муассасаларига ўқишга кираётган ёшлар учун ягона мезонлар жорий этиш, қабул ва тест технологияси қоидаларини, энг қобилиятли ёшларни қидириб топиш методларини ишлаб чиқиш каби вазифалар юклатилди. Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб давлат даражасида жорий этилган тест тизими кишилар онгини ўзгартириб, уларнинг адолат ва холисликка нисбатан ишончини мустаҳкамлади.

Ўтган 10 йиллик тарихий давр мобайнида тест тизими хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини сингдирган ҳолда, миллий анъаналар ва минтақавий ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда ривожланди. Ривожланган Ғарб давлатларининг бир ва икки вариантли моделлари ҳамда чекланган ҳажмдаги тест материалларидан ташкил топган универсал саволлар китобчаси билан бошланган тест тизими ва синовлари билимлар даражасини баҳолаш, аниқлашда холислик ва мувофиқликни муҳофаза қилиш тартибини мукаммаллаштирди. Замонавий компьютер техникаси ва технологиясидан фойдаланиш, юқори даражада махфийликни муҳофаза қилиш, ёшларнинг билими ва ақлий ривожланиш даражасини баҳолашда мувофиқлик ва аниқликни таъминлаш мақсадида кўп вариантли тест тизими ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Тест топшириқлари вариантларини таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва таълим тиллари бўйича компьютер ёрдамида тузишга асосланувчи кўп вариантли тест тизими дастлаб 1996 йилда олий ўқув юртларига қабул чоғидаги синовларда қўлланган эди. Кўп вариантли тест тизимининг энг муҳим таркибий қисми тест топшириқлари жамғармасини шакллантириш, уларни ишлаб чиқиш ва тақриз қилиш ишлари умумтаълим мактаблари ва лицейларнинг тажрибали педагогларини, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларини, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси олимлари ва мутахассисларини кенг жалб қилиш ҳисобига амалга оширилди.

Тест топшириқлари жамғармасини кўпайтириш ва такомиллаштиришда анъанавий тарзда ўтказиладиган "Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифи" танлови ҳам ёрдам бермоқда. 1996 йилдан бошлаб ҳар йили янги тест материалларини ўзбек тилида "Ахборотнома", рус тилида "Вестник", ҳамда қорақалпоқ тилида "Хабарнама" журналларида чоп этилмоқда. Бу тест топшириқларини синашнинг самарали шакли бўлиб, у тест топшириқлари жамғармаси сифатини оширишга кўмаклашмоқда. Мазкур журналларнинг мунтазам равишда чоп этилиши ДТМнинг мамлакатдаги барча мактаблар педагогик жамоалари ва ўқувчилари билан ўзаро яқин муносабатини яратиш имконини бермоқда.

Давлат тест маркази томонидан ишлаб чиқилган ва республиканинг барча вилоятларида жорий қилинган узоқ масофадан туриб — дистанцион тест ўтказиш тизими ҳам ана шу мақсадлар учун ёрдам берди. Ҳозирда масофадан туриб тест ўтказиш тизими республиканинг 56 та шаҳар ва туманларида муваффақиятли ишламоқда. Мазкур тизим тез муддатда ҳар бир битирувчининг таълим йўналишлари бўйича билим даражасини баҳолаш имконини беради ва бу ўқувчида ўз танлаган мутахассислиги бўйича олий ўқув юртини танлаб олиш имкониятини яратади.

Тест тизими шахснинг ақлий ривожланиш даражасини баҳолаш воситаси ҳисобланади. У фан, таълим ва ахборот технологияларининг замонавий ютуқларига асосланади. Тест тизимини илмий асосда узлуксиз такомиллаштириш, билимлар даражасининг холисона баҳоланишини таъминлаш, салбий жиҳатдан мослашиб олишни бартараф этишнинг қудратли омилидир. Ана шу мақсадда ДТМ анъанавий суратда тест тизимини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш бўйича илмий-амалий конференциялар ўтказмоқда. 2000 йилнинг апрель ойида шу йўналишда биринчи конференция бўлиб ўтган бўлса, жорий йилнинг 5-6 апрел кунлари иккинчи илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Хўш, жорий йилда ўтказилган тест синовлари қандай натижаларни намоён қилди? Аввалги йилларда ўтказилган тест синовларидан бу йил бўлиб ўтган синовлар қандай жиҳатлар билан ажралиб туради?

Таъкидлаш лозимки, 2002 йилда ўтган йилларга нисбатан битирувчи синф ўқувчиларининг салмоғи оз бўлиб, умумтаълим мактабларини 36 минг, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини 30 минг ўқувчи тамомлади. Шунга қарамай, 2002 йилда жами абитуриентлар сони ўтган йилларда ҳам битирганлар ҳисобига кўпайиб, 231 минг кишини ташкил этди.

Тест натижалари бу йилги абитуриентларнинг тайёргарлик даражаси сифат жиҳатидан 2001 йилга қадар бир неча фоизга ортганлигини кўрсатади. Шунингдек, битирувчилар сонининг бирмунча камайганлигига қарамасдан, сиртқи бўлимда абитуриентлар миқдори ўтган йилларга нисбатан анча ортган.

Мамлакатимизда иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда аёл мутахассислар кўпчиликни ташкил этади. Шу боис, турли вилоятлардаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг битирувчи қизлари орасидан юқори малакали мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ ишлар муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда жорий йилда илк маротаба барча абитуриент қизлар вилоятлар, таълим йўналишлари, баллар ҳамда олий ўқув юртлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Маълумотларга қараганда, олий ўқув юртларига ариза топширган қизларнинг аксарияти Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан экан. Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий таълим муассасаларига ўқишга кирган Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятидаги мактабларни тамомлаган қизларнинг тайёргарлик даражаси анча сифатли эканлиги аниқланди.

Абитуриент қизларнинг кўпчилиги Тошкент давлат педагогика университети, Наманган, Самарқанд ва Термиз давлат университетларига ҳужжат топширганлар. Битирувчи қизлар учун нуфузли, устувор касб йўналишлари — роман-герман филологияси, ўзбек филологияси, биология, бошланғич таълим ва тарбиявий иш, педагогика ва психология йўналишлари саналади.

Олий ўқув юртларига ўқишга кирган абитуриент қизларнинг ижтимоий келиб чиқиши нуқтаи назаридан ўрганилганда, уларнинг 76 фоизи — шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг, 22,6 фоизи — зиёлиларнинг, 2,64 фоизи эса тадбиркорларнинг фарзандлари эканлиги аниқланди.

Умуман олганда, жорий йилда синовларда қатнашган абитуриентларнинг аксарияти Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё ва Наманган вилоятларига тўғри келади.

Хўш, бугунги абитуриентлар қандай соҳа ва мутахассисликларга қизиқишмоқда? Булар — математика, техник, гуманитар таълим йўналишлари, педагогика, табиий фанлар каби мутахассисликлар.

Тест синовларида иштирок этган ва олий ўқув юртларига ўқишга кирган абитуриентлар салмоғини аҳоли ижтимоий қатламлари нуқтаи назаридан таҳлил қилсак. Тестда қатнашган абитуриентларнинг аксарияти қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашларининг фарзандлари бўлиб, бу 173 539 нафар, яъни 75,13 фоизни ташкил этади. Зиёли оиласига мансуб болалар 51 386 нафар (22,24 фоиз), тадбиркорларнинг фарзандлари эса 6077 нафар (2,63 фоиз)дан иборат. Биринчи курсга ўқишга қабул қилинган ёшларнинг 71 фоизи қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашларининг фарзандлари, 26 фоиз зиёлиларнинг, 3 фоиз эса тадбиркорларнинг болаларидир.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлар иккинчи йили олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун ҳужжат топширдилар. Жорий йилда бу ёшларнинг тестдаги натижалари, унга тайёргарлик даражалари ҳам аниқланди. Тестга тайёргарлик бўйича Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида таҳсил олаётган талабаларнинг билим даражаси юқорилиги билан ажралиб туради. Сирдарё ҳамда сурхондарёлик ўқувчиларнинг бу борадаги кўрсаткичлари анча паст. Олий ўқув юртига ўқишга кириш натижалари бўйича эса Фарғона, Навоий, Хоразм вилояти академик лицей битирувчилари пешқадамлик қилмоқдалар. Шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон миллий университети, Навоий давлат педагогика институти, Бухоро ва Самарқанд давлат университетлари академик лицей битирувчилари тест синовларида юқори натижаларни қўлга киритганлар.

Тест синовларининг натижаларига кўра айрим академик лицей, касб-ҳунар коллежларида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган юксак бурч, вазифани тўлақонли бажарилмаётганлиги аён бўлмоқда. Маълумотларга назар ташласак, академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг тест синовларида қатнашган 52175 нафар битирувчисидан 3347 нафари грант асосида, 5530 нафари шартнома асосида ўқишга кирган. Қолган 43 298 нафар битирувчи олий ўқув юртларига ўқишга кира олмаган.

Жорий йилда қайси олий ўқув юртларининг нуфузи ва салоҳияти ортиб, қайсиларининг мавқеи пасайди? Бу саволга жавобни ўтказилган танловлардан билиб олиш қийин эмас. Термиз давлат университети, Тошкент давлат юридик институти, Наманган давлат университети, Самарқанд кооператив институти, Самарқанд давлат университети, Тошкент автомобиль йўллар институти ҳамда Фарғона давлат университети бу йил энг нуфузли олий ўқув юртлари дея эътироф этилди. Миллий рақс ва хореография олий мактаби, Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент давлат маданият институти, Ўзбекистон давлат консерваториялари бўлиб ўтган танловлар, бу олий ўқув юртларининг бугунги ёшлар орасида мавқеи тобора тушиб бораётганидан далолат бермоқда. Бундай таълим муассасаларида истеъдодли ёшларни танлаб олишнинг имкони йўқ, дейишга тўла асос бор.

Бу йилги тест синовларининг ўзига хослиги шундаки, унда имтиҳонлар жараёнида энг паст балл жамғарган, яъни 0 дан 30 фоизгача балл тўплаган абитуриентлар салмоғи камайиб, 2001 йилдаги 97269 нафар ўрнига жорий йилда 65277 нафарни ташкил этди. Агар ўтган йиллар давомида паст балли абитуриентлар сони йилдан-йилга ўсиб борган бўлса, бу йил илк маротаба вазият ижобий томонга ўзгарди. Бироқ, бугунги кунда мактабларни ўта заиф, бўш тайёргарликка эга бўлган 65277 нафар ўқувчининг битириб чиқаётганлигининг ўзи ҳам, ҳали-ҳануз халқ таълими тизимининг оғриқли нуқталаридан бири бўлиб қолмоқда.

Жорий йилда энг юқори балли абитуриентлар асосан Тошкент давлат юридик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Қорақалпоқ давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети каби олий ўқув юртларининг талабалари бўлишди. Афсуски, айрим олий ўқув юртларида юқори балли абитуриентлар умуман йўқ. Миллий рассомлик ва дизайн институти, Термиз давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Тошкент давлат санъат институти шулар жумласидандир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ушбу йилда 150 дан юқори балл, яъни энг юқори баллнинг 70 фоизини жамғарган икки мингга яқин абитуриент олий ўқув юртига ўқишга кира олмади. Ахир, ушбу абитуриентлар мамлакатимиз интеллектуал қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшишлари мумкин эди. Бу ҳолат қобилиятли ёшларни саралаб олишда самарали механизм тўлақонли яратилмаганлиги, ҳали-ҳануз бу соҳада муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасаларининг кундузги ва сиртқи бўлимларига ўқишга кириш истагида бўлган 231 мингдан зиёд абитуриентнинг тестга тайёргарлик сифати, ўқув фанлари бўйича ёшларнинг билим даражаси ва ақлий ривожланиши, олий ўқув юртларининг мавқеи ва нуфузини баҳолашнинг имконини берадиган синовларнинг қисқача натижалари шулардан иборат. Юқоридаги рақамларда бугунги таълим тизимининг кичик мониторинги, ундаги айрим ютуқ ва камчиликлар ўз аксини топган, десак муболаға бўлмас.

P.S. Манбалар М.Муҳитдиновнинг "2002 йил тест якунлари" (Таҳлилий материал) китобидан олинди.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
"Ma`rifat" мухбири

БУЮК ШАХСЛАР СИЛСИЛАСИ

(Биринчи мақола)

Ҳозирги вақтда адабий давраларда абсурд истилоҳи хусусида қизғин баҳс кетмоқда. Баъзи адабиётшунослар буни "беъманилик" қабилида изоҳламоқдаларки, бу фикрга қўшилиш қийин. Бизнингча, "абсурд" "тушуниксизлик" демакдир. Алҳол, ҳамма нарсани сўз воситасида ифода қилиб бўлмайди. Назм мулкининг султони бу ҳақда шундай лутф этади:

Эй Навоий, сўзда маъни йўқтурур, маънийда сўз,
Дурри маъни истар ўлсанг, айлагил гуфтор бас.

Шоир ҳақ. Улкан ҳақиқатлар сукут сақлаб, теварак-атрофни жиддий кузатиб англанади, ҳис қилинади. Шундай тушунчалар борки, сўзга кўчирилса тескари маъно бермоғи мумкин. Бинобарин, ҳиссий кечинмалар баъзи ўринларда маълумот вазифасинида бажаради. Худди шу жиҳатдан тасаввуфдаги шавқ масаласи бизга кўп нарсани англатади.

Алишер Навоий ўзининг "Насойим ул-муҳаббат" рисоласида тушуниксизлик, шавқ ва ақидапарастлик муаммоларига ойдинлик киритади. Унинг наздида бу ёруғ дунёдаги энг устувор қадрият илмдир. Илм уч тоифага бўлинади. Биринчиси — тавба илми. Яъни, ҳалол ва ҳаром амалларни фарқламоқ илми. Иккинчиси — муҳаббат илми. Яъни, тариқат йўлига тушиб ҳаққа талпиниш, муҳаббат оловида ёниш. Биринчи тоифадаги илмни омма ҳам, хос кишилар ҳам бирдек қабул қиладилар. Иккинчи тоифадаги илмни омма қабул қилмайди, хос кишилар англаб етадилар. Энг олий илм эса Ҳақиқат илми. Яъни, борлиқни тамомила сабаблари билан биргаликда тушуниш фани: дунё қай тариқа яратилган? Руҳ қай алпозда ясалган? Таваллуд топмоқ ва жисмонан ўлмоқдан асл маъни не ўзи? Илк сабабнинг сабаби қай тариқа изоҳланади? Мухтасар айтсак, борлиқ моҳияти нимадан иборат — шу муаммолар Ҳақиқат фани сарҳадига киради. Аммо мазкур фан Навоий ёзганидек "... элнинг илму ақли тоқатидин ташқари эрди".

Алҳол, мутлоқ ҳақиқатни одам ақли воситасида зинҳор билиб бўлмайди. Негаки, одамзод дунё ибтидосию интиҳосини билса яшашнинг умуман қизиғи қолмайди. Бинобарин, мутлоқ ҳақиқатни билмаслик, тушунмаслик инсон фожеаси ва айни вақтда бахтидир. Фожеали жиҳати шундаки, Навоий ҳазратлари таъкидлаганларидек, инсон "инкорга қўпади". Залолат ботқоғида адашади. Бахтли тарафи шундаки, айнан шу мавҳумлик башариятни қизиқиб яшаш сари ундаб туради. Лекин ўша муаммолар ечими инсон табиатининг ўзида яширин.

"Ҳар неки истасанг ўзингдан иста" — бу Навоий ва ундан олдин ўтган мутафаккирлар амал этган шиор. Ўз шахсини парваришлаб инсон юксак мақомга чиқиб олмоғи мумкин. Олам сир-асрори кўнгил кўзи воситасида илғанади. Энг муҳими — шавқ туйғуси. Шавқдан бегона бўлиб нафсига эрк берган кишилар эса ҳақиқатдан тобора узоқлашиб кетаверадилар.

Ҳақиқат илми — ниҳоятда қизиқарли фан. Бу фанни билишга ташналик ҳисси одамда беш олти ёшларида шаклланади. Бола теварак-атрофга худди мўъжиза топгандек тикилади. Ота-онасини саволларга кўмиб ташлайди. "Мен қаердан келганман?" дея муҳим сирни билишга қизиқади. Бошланғич синфларда эса бу қизиқиш янада кучаяди. Бола ўқитувчисига "Устоз, худо борми?" деган савол билан мурожаат қилади. Муаллим мабодо бор деса, "Худо қаерда яшайди?" дейди. Йўқ, деса "Унда одамлару ҳайвонлар қандай пайдо бўлган?" қабилидаги саволлар ўртага келмоғи табиий ҳол. Баъзи ўқитувчилар эса ўқувчисини "Ҳали бу гапларни улғайганингда биласан. Ҳозир, барибир, ақлинг етмайди" дея тинчлантиришадики, бу номақбул усулдир. Негаки, ўқувчи ҳар қандай саволига қаноатланарлик даражада жавоб олмоғи даркор. Бошланғич синфларда ўқувчининг фаҳмлаш, эслаб қолиш, тасаввур қилиш қуввати кучли бўлади. У кўп нарсаларни сезади, илғайди ва баъзида ўртоқлари билан сирлашади.

Болани ўз вақтида ҳақиқатпарварлик руҳида тарбияламоқ керак. Бизнингча, бу ўринда чексиз коинот хусусида маълумот бермоқ мақсадга мувофиқ. Коинот сарҳад билмайди. Қуёш системасидан ташқарида ҳам галлактикалар мавжуд. Юлдузлар — қуёш.

Аксарият юлдузлар атрофида турли-туман сайёралар айланиши исботланган. Демак, бутун оламлар мувозанати сақланиб турган экан, ўзўзидан маълумки, коинот айнан бир нуқтадан бошқарилади. Ўша бошқарув мосламасини тушунишга, идрок этишга инсон ақли ожиз. Одамзод маълум миқёсдаги нарса ва ҳодисотлар моҳиятини тушуниб етади, холос. То ҳозирги кунгача бошқа оламларда қандайдир махлуқотлар яшаши ўз исботини топмаган. Демак, мутлоқ ҳақиқатни билмоқ учун ўзга ўлчовдаги дунёларни ҳам обдон текшириб чиқмоқ даркор. Бунинг имкони йўқ экан, ўша билимсизликка кўникиш даркорми? Йўқ, асло бундай эмас. Олам асрорини муайян даражада ечишга интилган мутафаккирларнинг ҳаёт йўлини, илмини ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ жоиз. Биринчи навбатда буюк шахслар силсиласи билан яқиндан танишиш мақсадга мувофиқдир.

Дунё жумбоғини ечишга киришган, шу йўлда заҳмат чеккан кишини сўфий дейдилар. Тилсимларни ўрганадиган фан эса тариқатдир. Сўфийлик тариқатининг йўналишлари кўп. Мисол учун маломатия, нақшбандия, яссавия ва ҳоказолар. Бу тариқат оқимлари вакиллари гарчанд бошқа-бошқа йўлдан юрсалар-да мақсад-манзили битта эди: Ҳақни таниш, ўзликни таниш. Ўзлигини таниган Ҳақни танийди, Ҳақни таниган ўзлигини танийди. Мазкур жараёнда илм асосий восита ҳисобланади. Бинобарин мутафаккирлар ўз навбатида ҳақиқат изловчилар ҳамдирлар.

Жаҳон миқёсида ақлу заковати барчани лол қолдирадиган гигант фикрловчи олимлар кўп ўтишган. Шулардан бири Шарқ минтақасида Мансур Ҳаллож номи билан машҳурдир.

Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" рисоласининг 183-бўлимида буюк олим хусусида қисқача маълумот беради. Мансур Ҳаллож таълимоти ўз замонасида рад этилганини қуйидагича шарҳлайди: "Машойих онинг ишида мухталифдурлар. Кўпраги они рад қилибдурлар неча тандин бошқа. Шайх Абулаббос Ато ва Шайх Шиблий ва Шайх Абу Абдулллоҳ Хафиф ва Шайх Абулқосим Насрободий била Шайх Абулаббос Сурайжким, анинг қатлиға ризо бермадилар ва фатво битмадиларким ва дедиларким, биз билмасмизким, ул не дейдурур..."

"Анал — Ҳақ", яъни "мен Худоман" сўзини айтганлиги учун Мансур Ҳаллож ўлимга ҳукм қилинади. Улуғ мутафаккирга ўз таълимотидан воз кечиб, сўзини қайтиб олиш таклифи қўйилади. Шунда у фикрида қатъий туради. Оқибатда аввал оёқларини, сўнг қўлларини кесиб ваҳшиёна усулда қатл қиладилар.

Ҳақли равишда савол туғилади: Мансур Ҳаллож таълимоти нималардан иборат эди? Бу саволга сўз воситасида аниқ жавоб қайтармоқ мушкул. Бугунги тил билан айтганда, Ҳаллож таълимоти бошқалар учун абсурд эди. Боиси, мутафаккир нимани назарда тутаётганини аниқ тушунтира олмаган. Аммо, шу нарса равшанки, у жамики ақидаларга қарши чиққан ва мутлоқ ҳурфикрлилик ғоясини илгари сурган.

Бу хусусда Аҳмад Яссавий қуйидаги байтни битади:

Билмадилар муллолар
Анал-Ҳақни маъносин

Anglash

Қол аҳлига ҳол илмин
Ҳақ кўрмади муносиб.

Маълумки, илм икки тоифага бўлинади. Биринчиси — ҳол илми. Бу илм туғма салоҳиятдир. Яъни, мазкур фан инсон жавҳарида мужассам бўлади. Инсон ҳиссиёт воситасида дунё асрорини англаб етади. Аксарият шайхлар шундай илмга эга бўлишган. Шу боисдан ҳам улар халқни изидан эргаштира билганлар. Каромат кўрсатганлар. Энг мураккаб муаммоларни ҳам осонликча ечишган. Негаки, ҳақиқат илми асрорини улар қалб кўзи орқали кўрганлар.

Иккинчи илм — қол илми. Бунда китоб ўқиб фан асосларини эгаллайдилар. Қол аҳли ақидаларга сўзсиз амал этишни хуш кўришади ва ҳамда улар ботинидаги шавқ ўз-ўзича эмас, балки мутолаа самараси туфайли рўёбга чиқади. Шу аснода ҳол аҳли ва қол аҳли орасида зиддият рўй беради. Қол аҳли улкан ҳақиқатларни қабул қилолмайдилар.

Алалхусус, тариқат пирлари олий мақомдаги илмни сир сақлашликка буюрганлар. Бу борада тор доирада мунозаралар уюштирилган, холос. Маълумки, тушунилмаган ёхуд тескари тушунилган нарсалар инкор қилинади. Уламо ўзини тушунмайдиган доирада асрорни ошкор қилмас экан, ўша инкор машмашасидан фориғ бўлмоғи қийин.

Мансур Ҳаллож таълимотини кўпгина шайхлар кўнгилдан қабул қилишган. Аммо, тил учига чиқариб тан олмаганлар. Чунончи, Мансур Ҳалложнинг устози Абу Амр б. Усмон Маккий шогирдларига ўша сир-асрорни пинҳон тутишни уқтирар эди.

"Насойим ул-муҳаббат"да у ҳақда қуйидаги сатрларни ўқиймиз: Сўзи дақиқа бўлди, они каломга мансуб қилиб, маҳжур қилдилар ва Маккадин сурдилар, Жиддага борди. Ул дебдурки, (мурувват дўстларнинг қусур ва камчиликларидан кўз юмишдир). Ва ҳам ул дебдурки, (важд кайфиятини сўз билан ифодалаб бўлмайди, чунки у мўминлар наздида Аллоҳнинг сиридир).

Бу сирни шогирди Мансур Ҳаллож ошкор қилади. Навоий ёзадики:

"... Ул ёшурун олиб, они ошкоро қилди ва сўзнинг диққати жиҳатидин эл фаҳм қилмай анга мункир бўлдилар ва маҳжур қилдилар. Ул Ҳалложни қарғадиким, "илоҳи бировни онга гузорлаким, илик-оёғин кесгай ва кўзин ўйғай ва дорға тортқай". Ва барча анга воқеъ бўлди, устоди дуоси била".

Ҳаллождан сўнг унинг Ҳайкал деган шогирдини ҳам қатл қилишди. Бу каби ваҳшиёна жазо усулини, умуман, сўзни тор миқёсида тушунишни Аҳмад Яссавий, Машраб, айниқса, Мавлоно Жалолиддин Румий қаттиқ қоралаганлар. Қисман Алишер Навоий ҳам Ҳаллож таълимотидан руҳланган маълум. Хўш, унинг тариқатдаги мақоми қай даража эди? Бу ҳақда кейинги мақолаларда батафсил тўхталамиз.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

ЎҚУВ ФОРМАЛАРИ КЕРАК

Aks-sado

Мактабга ўқувчиларнинг бир хил кийим-кечакда эмас, аксинча ҳар кимнинг топганини эгнига илиб келиши катта тафовутни келтириб чиқаради, муҳитни мураккаблаштиради. "Маърифат" газетасининг шу йил 28 август сонида эълон қилинган "Ўқув формалари керак(ми)?" номли шу хусусдаги мақола мени бефарқ қолдирмади. Фикр фикрни уйғотар экан. Мақолага муносабат билдирган муаллифлардан бирининг "Жонкуяр тадбиркорлар қани?" деган саволни ўртага ташлаши эса, менда ҳам айрим мулоҳазаларни уйғотди.

Албатта, ғоя бўлмаса, у обдон пишитилмаса, бир ишга қўл уриш, бефойда. Ғоя эса ўз-ўзидан ташаббусни келтириб чиқаради. Фақат ташаббус қўллаб-қувватланиши керак.



Ҳақиқатан ҳам ташаббускор ҳар қанча ҳаракат қилмасин, тиришмасин, ўзини ўтга-чўққа урмасин, унга ёрдам кўрсатилмаса, на халққа, на давлатга ва на ташаббускорнинг ўзига бирор наф бор.

Мен ўқувчилар кийим-кечакларини шунчаки тикиш эмас, балки унинг ўзига хос фасонларини ўйлаб топиш тарафдориман. Шундай қилиш керакки, кўча-кўйда ҳам уларнинг ўқувчи эканлигини аниқлаш осон бўлсин. Мен бундан анча йиллар муқаддам ана шу ғояни амалга ошириш, ўқув формаларини кредит усулида сотиб олиш хусусида ўйландим, бош қотирдим. Лекин буни амалга ошириш ҳам осон эмас экан.

Болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш ҳам энг диққатталаб масала. Яқиндагина матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори янги-янги вазифаларни қўйди. Болалар учун ҳар хил спорт кийимлари ва анжомлари ҳам керак. Спорт кийими ҳам одми, ҳам арзон, ҳам бичиғи чиройли бўлсин. Демак, спортни ривожлантиришга ёрдам берувчи махсус корхона ҳам очиш керак.

"Маърифат" кўтарган мавзу жиддий, баҳсталаб. Ўқув формаларини ишлаб чиқаришимиз керак. Тадбиркорлар билан таълим муассасалари бу ишни амалга ошириш чораларини кўришса, менимча, бу масала ўз ечимини топар эди.

Ш.ИБРОҲИМОВ

ҚОНУНЛАР ИХЧАМ БЎЛСА...

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тили ва услубий хусусиятлари

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ва жамият ҳамда фуқароларнинг яшаш қоидаларини ва ҳуқуқларини белгилаб берувчи асосий қонундир.

Конституциянинг тили ва услубий хусусиятлари учун ўрнатилган талаб ва қоидалар ҳуқуқий тизимнинг асоси бўлибгина қолмай, балки конституциявий кўрсатмалар даврий ва жорий қонунларда, кодексларда, умуман, меъёрий-ҳуқуқий актларнинг барчасида кенгайтирилади ва ривожлантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шаклан ва мазмунан, тил ва услуб жиҳатдан қисқалик, соддалик ва аниқлик принципи асосида тузилган. Бу эса фуқаролар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юксалиши йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тилининг лексик жиҳатига эътибор берилса, унда асл туркийча сўзлар билан бир қаторда жаҳон ҳамжамиятида, халқаро ҳуқуқ доирасида фаол қўлланувчи — «республика, суверен, демократик, конституция, парламент, аккредитация, амнистия, орган, референдум, норма» каби атамалар шундайлигича берилган. Асосий қонунда худди мана шу халқаро муомала тамойилларига амал қилиш Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, халқаро-ҳуқуқий, дипломатик ва маданий алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳуқуқий нормаларнинг айнан Конституциядаги шакли, сўз ва атамалар Асосий қонунда қандай қўлланган бўлса, бошқа қонунларда ҳам айнан шу принципга амал қилиниши лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида таъкидланадики: "Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ва қамоқда сақланиши мумкин эмас". Бу ҳуқуқий норма ифода усули нуқтаи-назаридан жуда аниқ ва лўнда тузилганлиги учун ҳам барча фуқароларга тушунарли. Шунинг учун ҳам бу ҳуқуқий норма бошқа қонунларда берилаётганда унинг шу ифода усули сақлаб қолиниши шарт.

Лекин айрим қонунларимизда айнан шу ҳуқуқий норманинг ифода усули бузиб берилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 8-моддасида бу ҳуқуқий норма шундай ифодаланган: "Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқа тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмас".

Кўринадики, қонун матнидаги ҳуқуқий норманинг ифода усули, яъни қонун тилига фуқаролар тушуниши қийин. Агар шу ҳуқуқий нормага Конституциядаги ифода усули қолип қилиб олинганида анча содда, ихчам, аниқ ва тушунарли бўлар эди: "Ҳеч ким маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қонунга асосланмаган ҳолда маъмурий таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмас".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги халқаро ҳуқуқ билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий атамаларни қонунларда қўллашда эса икки асосий принципга қатъий амал қилинмоқда:

1. Халқаро ҳуқуқий муносабатларда ишлатилаётган атаманинг жаҳон халқлари томонидан қандай ишлатилаётганлиги.

2. Халқаро сиёсий-ҳуқуқий атамаларни яратишда миллий қадриятларимиз ҳам, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ҳисобга олинаётганлиги.

Биринчи тамойилга кўра, халқаро сиёсий-ҳуқуқий атамаларни дунё халқлари қандай ишлатаётган бўлса, биз ҳам шундайлигича ишлатмоқдамиз. Жумладан, "республика, конституция, демократия, суверенитет, дипломатия, меморандум, конфедерация, мониторинг, магистратура, омбудсман, монополия" каби атамаларнинг асл ҳолида ишлатилиши жаҳон халқлари билан алоқаларимизни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ўзбек халқаро сиёсий-ҳуқуқий атамашунослигимизни шакллантиришда миллий қадриятларимизни ва ўзбек ҳуқуқий тилининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бугунги кунда "консенсус — келишув, агреман — розилик, дипломатический иммунитет — дипломатик дахлсизлик, резиденция — қароргоҳ, международный контракт — халқаро битим, международный договор — халқаро шартнома, международные соглашения — халқаро келишув" тарзида тўғри ишлатилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги кўпгина давлатлар билан дипломатик алоқаларни кенгайтирмоқда. Шу муносабат билан дипломатик алоқаларга боғлиқ ҳужжатлар давлат тилида олиб борилмоқда. Давлатлараро ёзишмаларда ва матбуотнинг дипломатия муносабатларига доир хабарларида "ратификация қилинди", деган ибора жуда кўп ишлатилади.

"Ратификация" атамаси асли лотин тилидан келиб чиққан бўлиб, "ratificatio" — "ratus" — "тасдиқ", "ricatio" — "қилиниш" — "аҳдлашувчи давлатларнинг мухтор вакиллари томонидан тузилган халқаро шартнома ёки битимнинг олий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланиши", деган маънога эга.

Бу атама ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган ва рус тилида "ратификация" атамаси от бўлиб, "ратифицировать" феъли, "ратифицированный" сифатдоши, "ратификционный" сифати ҳам ишлатилади. Ўзбекча "ратификация қилинди" ибораси "ратифицировать" атамасини ўзбек тилига ўзлаштирилган усул билан мураккаб феъл ясалган.

Бизнингча, "брифинг" атамаси ўзбек тилида тўғри ишлатиляпти. "Брифинг" атамаси инглиз тилидан ўзлашган атама бўлиб, "tobrier" — "қисқача изоҳлаб бермоқ" феълидан "-ing" қўшимчаси ёрдамида ясалган.

"Брифинг" атамасининг асл маъноси "матбуот учун муҳим халқаро ва давлат аҳамиятига эга саволлар юзасидан ўтказиладиган давлат раҳбарларининг учрашуви"дир. Оммавий ахборот воситаларида, "брифинг" атамасининг маъносини берувчи ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган "мусоҳаба" атамаси ишлатилмоқда. "Мусоҳаба" сўзининг маъноси "брифинг", "интервью" атамаларига синоним бўлсада, лекин бу сўз нейтрал услубий маънога эга бўлиб, дипломатик "брифинг" атамасининг ўрнини боса олмайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш сари дадил қадам қўйилаётган ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тили ва услуби қонунчиликни ривожлантириш, мавжуд ҳуқуқий атамаларни илмий асосда тартибга солишда, ҳар бир қонун моддасини мукаммал ифодалашда, ҳар бир ҳуқуқий атамадан ўринли фойдаланишда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳар қандай давлатнинг асосини унинг табиий, ҳудудий, миллий, этник хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда яратилган ҳуқуқий тизими ташкил этади.

Конституцияни халқимиз тафаккурининг ижодий ютуғи сифатида баҳолаш мумкин. Конституциядаги ҳар бир ҳуқуқий норма халқ манфаатидан келиб чиққан ҳолда ўта аниқ, равон ва содда ифода этилган. Бу эса фуқаролар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юксалиши йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бутун дунё қонунчилик амалиётида шундай тажриба мавжуд, қонунлар қанчалик ихчам тузилган бўлса, улар мукаммал қонунлар ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан АҚШ Конституцияси дунё миқёсида энг қисқа ифодаланган Конституция сифатида тан олиниб, унда жами 9500 атрофида сўзлар мавжуд. Агар шу нуқтаи-назардан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси матнларидаги сўзлар ҳисоблаб чиқилса, ҳаммаси бўлиб 5421 та сўз қўлланилган. Шунга кўра, Конституциямиздаги ҳар бир ҳуқуқий норма ўта қисқа ифодаланган, унда ҳар бир сўз ва жумла ўз ўрнида ишлатилган, моддалардаги бирор ортиқча ёки ноўрин қўлланган сўзни топиш амри маҳол. Гаплар ўзбек тилининг грамматик қонун-қоидаларига қатъий амал қилинган ҳолда тузилган. Бу эса Конституциямизнинг мазмун ва моҳиятини фуқароларимиз тушуниб етишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Умуман, Конституцияда ифодаланган ҳар бир ҳуқуқий норма, ҳуқуқий шаклни сақлаш қонуншуноснинг муқаддас бурчидир. Бу билан, биринчидан, Конституциянинг бошқа қонунлардан устунлиги таъминланса, иккинчидан, Конституциядаги ҳар бир ҳуқуқий норма узоқ муддат шаклланиши, халқ муҳокамасидан қайта-қайта ўтиши натижасида сайқал топган халқимиз тафаккурининг ижодий ютуғидир.

Қолаверса, бу асосий қонунни амалиётда қўлловчилар учун ҳам қулайлик туғдиради.

Чунки, Конституциядаги ҳар бир ҳуқуқий норма фуқароларга таниш бўлади. Улар бошқа қонунларда ҳам шу ҳуқуқий нормаларга дуч келганларида уни бир ўқишда ўзлаштириб оладилар. Бунинг натижасида ҳуқуқий нормалар фуқаролар томонидан тез ва осон илғаб олинишига ва хотирада узоқ муддат сақланиб қолишига эришилади.

Солижон ҲАСАНОВ,
Тошкент Молия институтининг профессори, педагогика фанлари доктори,
Феруза РАСУЛОВА,
ТДИУ катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди

МАЪНАВИЯТИМИЗ ИЛДИЗЛАРИ

Тарихдан маълумки, жамиятнинг маънавий ҳаёти файласуф донишмандларнинг доимо диққат эътиборида бўлиб келган. Бу борадаги изланишлар Қадимги Шарқ ва Юнон ҳамда кейинги давр Шарқ ва Ғарб файласуфлари ижодида яққол кўзга ташланади. Маънавият тушунчаси айниқса Шарқ мутафаккирлари ижодида алоҳида ва устувор йўналишни ташкил этади. "Авесто"да, халқ оғзаки ижодида, Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек сингари алломалар, ХХ аср бошларидаги маърифатпарварларнинг қарашларида инсон маънавиятига катта эътибор берилган.

Мустақилликка қадар ўзбек тилида "маънавият" сўзи кўпроқ "маданият" тушунчаси билан бирга қўлланиб келинган бўлсада, аммо илмий тушунча сифатида унга синфий, мафкуравий жиҳатдан ёндошилган, атрофлича таъриф берилмаган. Аниқроғи, маънавият тушунчаси, унинг моҳияти, аҳамияти илмий тадқиқот объекти сифатида чуқур ўрганилмаган.

ХХ асрнинг 90-йилларидан бошлаб, айниқса, мустақилликдан сўнг Ўзбекистон олимлари маънавиятга, унинг мазмунмоҳиятига жиддий эътибор бериб, уни илмий тадқиқ эта бошладилар. Бу тадқиқотларда маънавият тушунчаси турлича ёндошувлар асосида талқин этилмоқда. Масалан, бир таърифда "Маънавият — инсон руҳий ва ақлий оламининг мажмуи" деб аталса, бошқа бир таърифда "Маънавият (арабча "маънавият" — маънолар мажмуи) кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи" сифатида эътироф этилади.

"Маънавият" тушунчасининг моҳияти Президент Ислом Каримов асарларида, айниқса, кенг ёритилган. "Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен, аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан", — деб ёзади юртбошимиз.

Мамлакатимизда маънавий қадриятларни тиклаш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда. Қадимий шаҳарларимиз ва машҳур алломаларимизнинг юбилей тантаналари, Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди сингари халқ қаҳрамонларининг шарафланиши, миллий анъаналаримизнинг тикланиши бунга мисол бўла олади. Бугунги кунда маънавий қадриятлар ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Буюк аждодларимизнинг умумхалқ мулкига айланаётган мероси янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда.

Мустамлакачилик даврида Фарғона генерал-губернатори М.Скобелев "Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг тилини, маданиятини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи адои тамом бўлади" деган экан. Маэкур ёвуз ниятни амалга ошириш учун у кўп ҳаракат қилди. Шўролар даврида ҳам бундай сиёсат давом эттирилди. Зиёлиларнинг қатағон қилиниши, муҳим қўлёзма асарларнинг йўқотиб юборилиши ижтимоий тараққиётдаги ворисийликка ниҳоятда катта зиён етказди. Аммо халқнинг маънавияти, миллий қадриятлари офатлардан омон чиқди.

11 йиллик мустақил тараққиёт давомида кўпгина ютуқларни қўлга киритдик. Аммо улардан энг муҳими — ўзлигимизга қайтганимиз, миллий қиёфамизни топганимиз, маънавиятимиз илдизларини қайта кашф этганимиздир.

Зумринисо КОЗИМОВА,
Низомий номидаги педагогика университети талабаси

Қонун ҳалол рақобатга йўл қўяди. Рақобат қонун тили билан айтганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг товар бозорларидаги товарлар муомаласига тенг шарт-шароитлар яратилади.

Конституциянинг ҳар бир моддасини талабалар онгига, шуурига сингдириш уларнинг одоб-ахлоқи, ҳаракати, умид-орзулари манбаига айлантириш мураккаб масаладир.

Qonun va fuqaro

ТОВАР БОЗОРЛАРИДА МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТНИ ЧЕКЛАШ ВА РАҚОБАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

(30-мақола)

Монополистик фаолиятни чеклаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар дастлаб мамлакатимизда 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинганди. 1996 йил 27 декабрда мутлақо янгича номда ва мазмун-мундарижада қонун қабул қилинди ҳамда эски санадаги қонунни ҳаракатдан тўхтатди. Қонун 6 бўлим, 24 моддадан иборат.

Қонунга кўра, мамлакатимизда монополистик фаолият чекланади ва ҳалол, инсофли рақобатга йўл қўйилади. Айни вақтда бир қатор соҳаларда (шунингдек, нефть, газ конденсати, табиий газ ва кўмир қазиб чиқариш; электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва узатиш; темир йўлларда йўловчи, багаж ва юк ташиш; портлар ва аэропортларнинг хизматлари кабилар) табиий монополияларга ҳам йўл қўйилади. Бу билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда янги таҳрирда қабул қилинган "Табиий монополиялар тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади.

Хўш, монополистик фаолият ўзи нима? Монополистик фаолият, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат органларининг монополияга қарши кураш ҳақидаги қонун ҳужжатларига хилоф бўлган, рақобатга йўл қўймасликка, уни чеклашга ёки бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидир. Монополистик фаолиятни инсофсиз рақобат вужудга келтиради. Қонун буни маън этади. Қонун ҳалол рақобатга йўл қўяди. Рақобат қонун тили билан айтганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг товар бозорларидаги товарлар муомаласига тенг шарт-шароитлар яратилади. Бозордаги улуши олтмиш беш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этадиган хўжалик юритувчи субъектнинг (шунингдек, бир гуруҳ шахсларнинг) устун мавқеи деб эътироф этилади. Қонун устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатни чеклайдиган, бошқаларнинг манфаатларини камситадиган бир қатор ҳаракатларини, чунончи, товарларни муомаладан олиб қўйиш (яъни, сунъий товар тақчиллиги (дефицити)ни келтириб чиқариш), монопол қиммат ёки монопол арзон нархларни белгилаш, контрагентни бошқа субъектларга нисбатан тенг бўлмаган вазиятга солиб қўядиган камситувчи шартларни шартномага киритиш, тегишли товарни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш имкониятлари мавжуд бўлган тақдирда шартнома тузишдан асоссиз бош тортишни тақиқлайди. Айни вақтда алоҳида ҳолларда ушбу ҳаракатлар монополияга қарши давлат органи томонидан тўғри деб топилиши мумкин, қайсики хўжалик юритувчи субъект ўз ҳаракатларининг ижобий самарасини исботлай олса.

Муайян товар бозорида ўттиз беш ва ундан ортиқ фоиз улушга эга бўлган ўзаро рақобатлашаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг нархлар, тарифлар, чегирмалар, устамалар, қўшимча тўловлар соҳасидаги; нархларни сунъий равишда ўстириш ёки пасайтириш; ишлаб чиқариш, маҳсулот сотиш бозорлари ва капитал қўйилмалар устидан назорат ўрнатиш; аукционлар, биржалар ва бошқа кимошди савдоларида нархларни ошириш, пасайтириш ёки сақлаб туриш; бозорни ҳудуд бўйича, сотув ёки харид ҳажми, товарлар хиллари бўйича, сотувчилар ва харидорлар, буюртмачилар доираси бўйича бўлиб олишга қаратилган битимлари (ҳаракатлари) тақиқланади ва улар белгиланган тартибда тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилади.

Шунингдек, бошқа хўжалик юритувчи субъектларга зарар келтирадиган ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатишга; юридик шахснинг шахсийлаштириш воситаларидан (маҳсулот белгиси, хизмат белгиси, ишлаб чиқариш маркаси каби) қонунсиз фойдаланиб, товар сотишга; товарнинг хусусияти, тайёрлаш усули ва жойи, истеъмол хоссалари хусусида истеъмолчиларни чалғитишга; турдош товарларни бошқа хўжалик юритувчи субъектлар товарлари билан қўпол таққослашга (жумладан, реклама роликларида); янги субъектларнинг товар (хизмат) бозорига киришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди. Булар инсофсиз, ғирром рақобатнинг кўринишларидир.

Айни вақтда давлат органларига тақиқловлар қўйилган. Жумладан, улар қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳоллардан ташқари янги хўжалик юритувчи субъектни ташкил қилишга чеклашлар жорий этишга, шартномалар тузишда кимгадир устунлик беришга, истеъмолчиларнинг муайян доираларига товарларни биринчи навбатда етказиб бериш тўғрисида кўрсатмалар беришга, хўжалик юритувчи субъектларнинг акцияларини сотиб олишга ҳақли эмас. Аммо давлат органлари табиий офатлар юз берганда унинг оқибатларини тугатишда, юқумли касалликлар тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида истисно тариқасида юқоридаги қарорларни қабул қилиши мумкин.

Товар бозорларида монополистик фаолиятга қарши кураш чора-тадбирлари, қонунчилик базаси, махсус давлат органлари тизимини дунёнинг деярли барча мамлакатларида учратиш мумкин. Ушбу органларга кенг кўламли ваколатлар берилган. Биргина MICROSOFT воқеаси (устун мавқени эгаллаб турганликда айбланиб, рақобатни ривожлантириш мақсадида уни мажбурий бўлиб ташлаш масаласи)ни эслаш кифоя.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам бу механизм тобора фаоллашмоқда. Яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида ҳам Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига яна бир қатор ваколатлар берилди.

Хулоса шуки, мазкур қонун бугунги кунда фаол ишламоқда.

Миродил БАРАТОВ,
Шоира ЮЛДАШЕВА

КУРСЛАР ДОИМИЙ ҲАРАКАТДА

Malaka oshirish

Бугунги кунда барча таълим муассасаларида педагог кадрларнинг малакасини замон талаби даражасига кўтариш ўта долзарб масаладир. Шу мақсадда Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг умумтаълим ва махсус фанлардан методик ва касбий тайёргарликларини такомиллаштириш 4-босқич доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари бошланган. Курс машғулотлари сентябрдан буён ҳар ҳафтанинг маълум бир кунига қўйилиб, айни пайтда ҳам давом этиб келаяпти.

Мазкур курслар Вазирлар Маҳкамасининг "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагог ва муҳандис-педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичида таълим тизимини ягона ўқув илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантириш мақсадида ташкил этилганлиги билан аҳамиятлидир.

Пойтахтимиздаги Тошкент автомобиль йўллари коллежида автомобиль транспорти йўналиши бўйича махсус фан ўқитувчиларининг ана шундай малака ошириш курслари мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Машғулотлар тегишли соҳа бўйича тўлиқ жиҳозланган хоналарда ташкил этилаяпти. Ўқув жараёнида курс тингловчиларига автомобиль дарё транспорти агентлиги мутахассислари, Тошкент автомобиль ва йўллар институти профессор-ўқитувчилари, ЎзДЭУ авто қўшма корхонаси, "Мерседес-Бенц" — Сервис" қўшма корхонаси мутахассислари жалб этилган ва амалий машғулотларнинг талай қисми ана шу корхоналар тармоқларида ўтилмоқда.

Башорат ОМОНОВА,
Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси ходими

"ОЛТИН КУЗ"ДА ШИФОКОРЛАР

Festival

Мазкур фестиваль II Тошкент давлат тиббиёт институтида ҳам ўтказилди. "Олтин куз — 2002" анъанавий бадиий ҳаваскорлик фестивалининг жорий йилдаги якунловчи учинчи босқичи Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 10 йиллиги тантаналари билан уланиб кетди.

"Олтин куз — 2002" анъанавий фестивалининг бу йилги танловида институтнинг 100 дан ортиқ санъатга ихлосли иштирок этсқичга етиб келиб, ўз қобилияти ва истеъдодини намоён эта билган бадиий ҳаваскор талабалар, яъни фестивал лауреатлари шу куни якуний ҳисобот концертини намойиш қилдилар.

Тадбир якунида институт ректори Ҳ. Каримов фестивал ғолибларини қутлаб, уларни ҳомийлар томонидан ажратилган мукофотлар билан тақдирлади.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Ta'kid

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ — ЭГИЗАК

Ўзининг 10 йиллик шодиёналарини нишонлаган Бош Қомусимиз жаҳонда энг мукаммал, ҳаётий демократик тамойилларни ўзида мужассамлаштирган Конституциялардан бири бўлиб тан олинди. У аждодларимиз орзу-умидларининг қонуний якуни ҳамда замондошларимиз, авлодларимиз ҳаётининг истиқболлари қомусидир. Ўзбекистон бугун неча асрлик курашлардан кейин халқ иродасини ифода этувчи, унинг манфаатларига хизмат қилувчи, республикада яшовчи барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари, ҳурматини жойига қўядиган давлат сифатида қадр топди. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамияти қаторидан муносиб ўрин олди. Мадҳиямиз дунё бўйлаб янграмоқда. Шарафли байроғимиз оламнинг турли ҳудудларида миллатимиз рамзи сифатида ҳилпираб турибди...

Ҳа, Бош Қомусимизнинг буюк сифатларини санаб адо қилиш қийин, аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари, жамият ва давлат ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар, бурчлар, инсон тафаккури, қобилияти, малакаси, фаолияти дахлсизлиги ва бу жараёнларнинг кенг қамрови Конституциямизнинг туб моҳияти, мазмунига сингдирилган. Инсон қонунга эмас, унинг манфаатларига хизмат қилиш бош ғоя қилиб қўйилган. Шундай экан, уни мукаммал ўрганиш талабалар учунгина эмас, педагог-муҳандислар учун ҳам шарафли иш деб қабул қилинди. Бу ишга барча таълим муассасаларимизда уюшқоқлик билан киришилди.

ЎМКҲТ Марказининг тавсияларига кўра 34 соатлик дастур асосида машғулотлар бошланди. Бунинг учун ҳар бир муассасада етакчи ва тажрибали мураббий-ўқитувчилар танлаб олинди, уларнинг ҳуқуқий билимлари синовдан ўтказилиб, масъулиятлари оширилди. Бошқарма қошида ташкил этилган илмий услубий марказ ҳамда "Хоразм истеъдоди" газетаси орқали Конституцияни ўрганишдаги ишлар, тажрибалар оммалаштирилди, янги услубиётлар кенг тарғиб этилди.

Албатта, тажрибали ўқитувчилар учун бу машғулотларни ташкил этиш ва ўз муддатида ўташ муаммо эмас. Айниқса, Конституциянинг ҳар бир моддасини талабалар онгига, шуурига сингдириш уларнинг одоб-ахлоқи, ҳаракати, умид-орзулари манбаига айлантириш мураккаб масаладир. Шу мақсадда машғулотларни замон талаблари даражасида ташкил этиш учун қўшимча тадбирлар белгиланди ва назорат кучайтирилди. Бу ўқитувчиларнинг ўзаро дарсга қатнашуви, семинарларда, баҳс-мунозараларда иштироки, таклиф ва тавсияларини ўрганиш орқали амалга оширилди.

Ҳар бир илм масканида ўтказилаётган ўйинлар, топқирлик ва зукколик баҳслари, савол-жавоб кечалари, ҳуқуқтартибот органлари ходимлари, фахрийлар билан учрашувлар ёшларимизнинг бош Конституция ҳақидаги билимларини янада кенгайтирмоқда. Айниқса, ЎМКҲТ Маркази томонидан "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" шиори остида республика кўрик-танловининг ташкил этилиши ёшларимиз ўртасида Конституцияни ўрганишга бўлган қизиқишни кучайтириб юборди. Уни ўтказишда уларга Конституция моҳиятини, унда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликни яхши ўргатиш, улардан ҳаётда фойдаланиш даражасини ошириш асосида миллий истиқлол ғояларига садоқатли, комил инсонлар қилиб тарбиялаш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Муҳими шундаки, бу кўрик-танловда бутун муассаса ўз қиёфаси билан қатнашади. Жумладан, уларга шундай талаблар қўйилади: Конституция моҳиятини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича таълим муассасасида амалга оширилаётган ишлар, яъни, ўқув биноси, маънавият хонаси, ўқувчи-талабалар ётоқхонасининг энг яхши тасвирий воситалар билан жиҳозланганлиги, давлат рамзлари, Ватан тимсолларини ўқувчиларга ўргатиш борасида олиб борилаётган тарбиявий, маънавий-маърифий тадбирлар мазмуни ва бошқалар. Ўтган йили ва бу йил ана шу республика кўрик-танловида Хива педагогика касб-ҳунар коллежи II ўринни олганлиги жамоанинг катта ютуғи ҳисобланади. Конституцияни ўргатиш борасида олиб борилган фаолиятимиз натижалари талабалар ўзлаштирган билимларда, ўқув йили якуни муносабати билан уларга қўйилган рейтинг кўрсаткичларда ифодаланмоқда.

Янги ўқув йилида Конституцияни ёшларга ўргатиш борасидаги ишлар янада такомиллаштирилаяпти, тадбирлар кенгайтирилмоқда. Шу мақсадда ўқитувчиларимиз-малакалари оширилди, уларнинг зарур адабиётлар, кўргазмали қуроллар билан таъминланиши яхшиланди. Қувонарлиси шундаки, ўқув муассасаларининг педагог-муҳандислар жамоалари бу борада фаоллашмоқда, ташаббускорлик кўрсатмоқда.

Масалан, янги ўқув йили бошида Ҳазорасп педагогика касб-ҳунар коллежи педагог-муҳандислари ва талабалари "Конституциямизни пухта ўрганайлик" мавзусида барча касб-ҳунар коллежларидаги талаба ёшларга мурожаатнома билан чиқишди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жаҳонда ва мамлакатимизда, халқларимиз ҳаётида тутган беқиёс ўрни ёрқин ифодалаб берилган. Уни ўрганиш, қоидалари билан ўқиш, ижод қилиш ҳамманинг бурчи эканлиги таъкидланади. Уни ҳар бир ёш ўз онги ва қалбига сингдира олишига даъват этилади. ЎМКҲТ худудий бошқармаси маъмурияти эса бундай ташаббускорликни доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда.

П.ҚАЛАНДАРОВ,
Хоразм вилояти ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғи

Sana

Ўзбекистон Республикаси ИИВ йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг "Автоҳамроҳ" журнали чиқа бошлаганига яқинда 5 йил бўлди.

Республика миллий матбуот марказида яқинда журналнинг 5 йиллигига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда чоп этиладиган кўплаб журнал ва газеталарнинг бош муҳаррирлари ва журналистлар, Ўзбекистон ИИВ ЙҲҲББ раҳбар ходимлари, бир гуруҳ шоиру ёзувчилар иштирок этдилар.

ҚАДАМИНГ ДАДИЛ БЎЛСИН

Тантанали маросимни очган оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш жамғармаси ҳамраиси, таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад журналнинг беш йиллик фаолияти ҳақида сўзлаб, унинг ижодий жамоаси ишига муваффақиятлар тилади. Шундан сўнг сўзга чиққан "Автоҳамроҳ" журнали бош муҳаррири, филология фанлари номзоди Қумри Каримова, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲҲББ ташкилий ва ахборот маркази бошлиғи, милиция подполковниги Анвар Сулаймонхўжаев ва бошқалар ўз фикр, маслаҳатларини билдирдилар.

Тантанали йиғилишда вазирлик вакиллари ва ҳамкасблар журнал таҳририятига ўзларининг эсдалик совғаларини топширдилар.

Ўткир САИДОВ,
"Автоҳамроҳ" журнали мухбири

МУКАММАЛ ИШ ТАНЛОВДА БИЛИНАДИ

Yakun

Танлов бу янги ном, янги иш. Ҳар қандай йўналишдаги танлов ҳуда-беҳудага ўтказилмайди. Ягона мақсад эса соҳага янгилик киритиш ёхуд уни ривожлантиришдан иборатдир. Таълим соҳасида ҳам ҳар йили кўплаб кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари "Устоз" республика жамғармаси билан ҳамкорликда "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи", "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси", "Йилнинг энг яхши мураббийси", "Йилнинг энг яхши илмий раҳбари", "Йилнинг энг яхши маъруза матни" танловларини ўтказди ва якунлади.

Танловга келиб тушган ишлар табиийки, экспертлар томонидан чуқур таҳлил қилинди, бир-бири билан таққосланди, холисона баҳолар берилди. Голиб деб топилган ишлар таълим жараёнига кириб келди ва ўзининг самарасини ҳам бера бошлади. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти директори муовини Қодиржон Рўзиев айрим йўналишдаги танловлар ҳақида қуйидагича маълумот берди:

— Ҳаммамизга аёнки, таълим ўқув адабиётларидан бошланади. Ўқув адабиётлари ўқувчи ва талабалар томонидан мустақил ишларни бажаришда, олган билимларини мустаҳкамлашда муҳим воситадир. Демак, фан асосларини эгаллашда, унинг негизини англаб етишда ёшлар фақат дарсликка таянишади ва ишонишади. Ўқув адабиётларида эса ҳар бир фанни ўқитишнинг энг илғор услублари акс этиши лозим. Уларда фанга оид барча илмий далиллар, фаразлар, таъриф ва назариялар мантиқий, тадрижий изчилликда баён қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 январдаги 4-сонли "Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қатор ҳайъат йиғилиши қарор ва буйруқлари асосида ўқув жараёнини илмий ва ўқув-услубий ахборот тизимлари билан таъминлашнинг амалий тадбирлари ишлаб чиқилди. Жумладан, таълим муассасаларида ўқитиладиган фанларга оид маъруза матни яратиш услублари тавсия қилинди. Маъруза матнлари талабаларга тарқатилди. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти, ЎАЖБНТ (ўқув адабиётлари, журнал ва бюллетенларни нашрга тайёрлаш) маркази томонидан "Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини дарслик ва адабиётлар билан таъминлаш бўйича меъёрий ҳужжатлар ва 1999-2004 йилларга мўлжалланган истиқболли режалар" тўплами тайёрланиб, нашр этилди. Ҳозирги кунда ана шу режа асосида яратилаётган ўқув адабиётлари таълим муассасаларига тақдим этилмоқда.

"Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" республика танлови юқорида зикр этилган қарор ,буйруқларда белгиланган вазифаларни сифатли бажариш омилларидан бири бўлаяпти.

"Йилнинг энг яхши илмий раҳбари" танловида 1-Тошкент тиббиёт институти хирургия кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор С.Наврўзов энг юқори рейтинг кўрсаткичига эришди. У 200 га яқин илмий мақолалар, 1 та монография ва кўплаб ихтиролар муаллифидир. Олим раҳбарлигида 2 нафар фан доктори ва 11 нафар фан номзодлари етишиб чиққан. Профессор С.Наврўзов Ўзбекистон Республикаси Жарроҳлар ассоциациясининг ҳақиқий аъзоси бўлиши билан бирга Жаҳон Жарроҳлар ассоциацияси билан ҳам ҳамкорлик қилади. Ўз илмий маърузалари билан Германия, Англия, Белгия, Италия, Испания, Португалия, Туркия, Тайван ва МДҲ давлатларидаги конгресларда иштирок этган. С.Наврўзов онкология, гематология ва нур диагностикаси бўйича ихтисослашган илмий кенгаш ишида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Саримбек Наврўзовнинг илмий тадқиқотлари, кўплаб халқаро марказлар билан алоқа ўрнатганлиги, ёш олимларни тайёрлашдаги куюнчаклиги танлов ҳайъати томонидан эътироф этилди.

Умумий ўрта таълим бўйича ижтимоий фанларга оид дарслик ва қўлланмалар танловида биринчи ўрин Э.Сариқов, Б.Ҳайдаровларнинг "Иқтисодий билим асослари" номли ўқув-методик мажмуасига берилди. Мажмуа ўрта умумтаълим мактабларида иқтисодий билим асосларини ўқитишга доир муаммоларни ечишга қаратилганлиги билан диққатга молик. У дарслик, ўқитувчилар учун қўшимча назарий материаллар тўплами ва услубий қўлланмадан иборат.

Ушбу дарслик содда ва равон тилда ёзилган бўлиб, иқтисодиётнинг деярли барча бошланғич чегараларини қамраб олган. Бу тушунчалар бир-бири билан узвий алоқадорликда тузилган ва ўқувчилар томонидан осон ўзлаштирилади. Ўқувчи аниқ ҳодиса ва вазиятларга ўз муносабатини билдириши, назарий билимларини ҳаётда қандай қўллашни билиши керак. Шу аснода улар дарсда пассив эшитувчи, кузатувчидан фаол иштирокчига айланади. Дарслик ўқувчиларни кўпроқ фикрлашга, мушоҳада юритишга, фикрини баён қилишга ўргатади. Бу эса энг катта ютуқдир.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўйича умумтаълим фанларига оид дарслик ва ўқув қўлланмалари танловида И.Иброҳимовнинг "Электр машиналари" номли дарслиги 2-ўринга сазовор бўлди. Ушбу дарслик касб-ҳунар коллежларининг энергетика мутахассислиги йўналишида кўрсатилган "Электр машиналари" фани дастури асосида қайта ишланган. Дарсликда трансформатор, ўзгарувчан ва ўзгармас ток, электр машиналарини ишга тушириш ва двигателлар тезликларини ростлаш усуллари, қўлланиш соҳалари баён қилинган. Кичик қувватли ижро двигателлари ҳақидаги маълумотлар ҳам берилган. Шунингдек, машинасозлик корхоналарида ўзбекистонлик олим ва мутахассислар томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақидаги маълумотлар ҳам бор.

Олий таълим бўйича мутахассислик фанлари блокига оид дарслик ва ўқув қўлланмалар танловида Ҳ.Алимова ва В.Усенколарнинг "Ипакни эшиш" номли дарслиги 1-ўринга лойиқ деб топилди. Бу дарслик тўқимачилик олий ўқув юртларида ипак чувиш ва ишлаб чиқариш мутахассислиги магистрларини тайёрлашда ўқитиладиган "Эшилган ипак иплари шаклланиш жараёнларининг назарий асослари" фанидан намунавий дастур асосида тайёрланган. "Ипакни эшиш" илмий-назарий жиҳатдан пухта дарслик ҳисобланади. Магистрантлар ҳали бу қадар мукаммал дарсликни қўлларига олишмаган.

Олий таълим бўйича умумкасбий фанлар блокига оид дарслик ва ўқув қўлланмалар танловида биринчи ўринни эгаллаган Н.Абдуллаев ва Х.Каримовларнинг "Патофизиология" дарслиги тиббиёт соҳасидаги ўзбек тилида биринчи бор ёзилган адабиёт. У бой тажрибага эга бўлган юқори малакали педагогларнинг томонидан яратилган. Қўлланма анъанавий қисмларни ўз ичига олади. Кўрилаётган масалалар кўлами ниҳоятда мураккаб, аммо дарслик талабаларнинг дид ва эҳтиёжларига мос тушади.

Дарслик муаллифлари кўпчилик адабиётлар учун хос бўлган асосий камчилик, яъни ўқувчиларга фаннинг бошқа тиббий-биологик фанлардан устунлигини кўрсатишга ҳаракат қилмай, аксинча ёндош фанларнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашган.

П.Исматуллаев бошчилигида яратилган "Метрология, стандартлаш ва сертификатлаштириш" номли дарслик умумкасбий фанлар блокига оид дарслик ва ўқув қўлланмалари танловида юқори ўринга сазовор бўлди.

Шунингдек, танловда қатнашиб юқори баҳоланган дарслик ва ўқув қўлланмалар (11 номда)нинг муаллифлари ҳам рағбатлантирилди. Қисқасини айтганда, муаллифлар фаннинг энг янги, замонавий ютуқларини ўрганиб чиқиб, уларни дарслик, қўлланма ҳолига келтиришган. Табиийки, битта дарслик юзага келгунга қадар чекилган заҳматнинг ҳисоби йўқ. Уни нашр этишдаги муаммоларни айтмаса ҳам бўлади. Танлов ҳакамлар ҳайъати мумкин қадар муаллифлар меҳнатини муносиб баҳолашга ҳаракат қилди. Ўйлайманки, дарслик ва қўлланма яратган муаллифларнинг қай даражада хизмат қилганликларини вақт кўрсатади. Ундан фойдаланаётган ўқитувчи ва талабалар, ўз муносабатларини билдирсалар, менимча, фойдадан холи бўлмасди. Бу эса келгусида яратиладиган дарслик ва қўлланмаларда асқотиши мумкин.

"Йилнинг энг яхши маъруза матни" танловига 294 та маъруза матнлари келиб тушган бўлса, уларни ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар фанлар блокига ажратиш мумкин. Танлов экспертлар ҳайъатининг чиқарган хулосасига кўра, Қ.Назаров раҳбарлигидаги ижодий гуруҳнинг "Фалсафа" маърузалар матни ҳар жиҳатдан пухта, мукаммал ва содда услуби билан юқори баҳоланди. Шунингдек, Ш.Ниёзовнинг "Оптика" маърузалар матни ҳам чакки эмаслиги тан олинди.

Танловлар кишига қандай хулосани беради? Аввало, ҳар бир йўналиш рақобат муҳитини вужудга келтирганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Иштирокчилар қанчалик кўп бўлмасин, бундай муҳит саралаш имкониятларини янада кенгайтиради. Қолаверса, таълимдаги ислоҳотлар янги-янги дарслик ва қўлланмалар, маъруза матнлари яратилишини тақозо этмоқда. Биз уларнинг энг мукаммалидан таълим жараёнида фойдаланишимиз керак. Зеро, улар таълим муассасаларининг уриб турган "юраги". Шундай бўлгач, бундай танловларни ҳар йили ўтказишда, рўй берган камчиликларни тугатиб боришимиз керак.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА
суҳбатлашди.

Махсус хизмат қўлари экстремистик гуруҳлар мамлакат президенти Эдуард Шеварднадзега суиқасд уюштиришга ва Тбилисида террор акти амалга оширишга тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида маълумот олганлар.

Мен ўттиз икки йилдан бери қишлоқ мактабида ўқувчиларга жисмоний тарбия фанидан дарс бериб келаман. Лекин ўзимнинг меҳнат фаолиятимда болалар спортини ривожлантиришга давлат миқёсида эътибор берилганлигини эслолмайман.

ИРОҚ ҲИСОБОТИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ироқ ўзига нисбатан жорий этилган БМТнинг 1441-резолюциясига мувофиқ, ўтган ҳафта охирида ўзининг 12 минг саҳифадан иборат қурол дастури ҳақидаги ҳисоботни Кофи Аннан раҳбарлик қилаётган мазкур ташкилот ихтиёрига топширган эди. Айни вақтда бир неча жомадонларни банд этган ҳисоботлар Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзоси: АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия ва Хитой давлатлари вакиллари ва ҳарбий экспертлар томонидан ўрганила бошланган. Гарчи, Москва ва Пекин Боғдоднинг ушбу ҳисоботига ишонаётган бўлса-да лекин, Вашингтон ҳамда Лондон унга эҳтиёткорона ёндашмоқда.

Ҳарбий куч ишлатиш ниятида бўлган АҚШ эса Ироқ муҳолифатчи кучларига 92 миллион доллар миқдорида ёрдам беришга қарор қилган. Шунингдек, айни вақтда Қатардаги ҳарбий базада Америка қуролли кучлари ўқув машғулотларни бошлаган бўлиб, унда бир неча минг америкалик ва 800 га яқин британиялик ҳарбийлар иштирок этмоқдалар. Кузатувчиларнинг фикрича, Вашингтоннинг бу ҳаракати Боғдодга қилинажак операция сценарийсининг пухта ишлаб чиқилишини билдиради.

ДАРСЛАР ТЎХТАТИБ ҚЎЙИЛДИ

Россияда қишнинг оғир келиши боис, Пермь вилоятидаги мактабларнинг кичик ва ўрта синфларида дарслар вақтинчалик тўхтатиб қўйилди. Ҳозир бу ҳудудда совуқ -31-37 даражани ташкил этмоқда. Бундай совуқ туфайли Волгоград ва Волжский шаҳарларидаги 1—4-синфларнинг дарслари ҳам тўхтатилган. Мақсад болаларнинг хасталикка чалинишларига йўл қўймасликдир.

Бугун Россияда совуқдан музлаб ўлаётганлар ҳам кузатилмоқда. Биргина ўтган дам олиш куни Москва шаҳрида 5 киши ҳалок бўлган бўлса, Калининград вилоятида 15 киши совуқдан музлаб вафот этган.

46 НАФАР БОЛА ШИФОХОНАГА ЁТҚИЗИЛДИ

Томск шаҳридаги 6-болалар интернатининг 46 нафар тарбияланувчилари сабзавотдан тайёрланган салат таннавул қилиб, касалликка чалинганлар. 6 декабрь куни болалар юқумли касалликлари шифохонасига 8 нафар тарбияланувчи ётқизилган бўлса, эртасига 24 болакай келтирилган. Шунингдек, 8 декабрь куни 12 нафар ва 9 декабрь куни 3 нафар тарбияланувчи шифохонага жойлаштирилган. Касалланганларнинг бири ўта оғир ҳолатда, 14 нафари эса ўртача оғир ҳолатда ётибди. Қолган болалар эса ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Ҳозир Киров тумани прокуратураси ушбу ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғаган.

ТАШВИШ ИЧИДАГИ ШЕРИ БЛЭР

Буюк Британия бош вазири Тони Блэрнинг рафиқаси Шери Блэр хоним австралиялик бизнесмен Питер Фостер билан ноқонуний муносабатлари боис, бугун танқидга учрамоқда. Боиси, товламачи сифатида танилган Питер Шери хонимнинг Бристолдаги маҳаллий университетда ўқиётган ўғли, 18 ёшли Юэн учун ушбу шаҳардан арзон нархда квартира сотиб олишига ёрдам берган.

Эслатиб ўтамиз, Питер Фостер 1980 йил Буюк Британияда Хитойнинг Бай-Лин чойи билан боғлиқ ноқонуний ишлари сабаб 5 минг фунт жарима тўлаган, 1989 йил эса "Чо-Ло" чойи можароси бўйича 4 ой Америка қамоқхонасида, 1995 йил эса бошқа бир иш бўйича Британия қамоқхонасида ўтириб чиққан.

ПРЕЗИДЕНТГА СУИҚАСД БЎЛИШИ МУМКИН

Грузия давлат хавфсизлиги вазири Валерий Хабурдзаниянинг айтишича, махсус хизмат кучлари экстремистик гуруҳлар мамлакат президенти Эдуард Шеварднадзега суиқасд уюштиришга ва Тбилисида террор акти амалга оширишга тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида маълумот олганлар. Телевидение орқали чиқишида вазир ўтган жума куни йўқ қилинган Лагодех туманидаги террорчи гуруҳ ҳам ушбу режага алоқадор бўлган бўлиши мумкинлигини айтди. Ҳозир эса Тбилиси шаҳрида хавфсизлик чоралари кучайтирилган бўлиб, шаҳарга кириш-чиқиш ҳаракатлари ҳам полиция назоратига олинган. Ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қидирувдаги жиноятчиларни ушлаш бўйича кенг миқёсли операцияларни бошлаганлар.

НЕФТЬ ЭКСПОРТ ҚИЛИНМАЯПТИ

Венесуэлада юз бераётган намойишлар боис, мамлакат президенти Уго Чавес барча нефтни қайта ишловчи корхоналарнинг армия назоратига олинишига буйруқ берди. Икки ҳафтадан буён давом этаётган норозиликларнинг ташкилотчилари Уго Чавеснинг истеъфога чиқишини ва референдум ўтказилишини талаб қилмоқдалар. "Petroles de Venezuela" давлат нефть компаниясининг президенти Али Родригеснинг айтишича, ҳозирда маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ишлари тўхтатилган.

Нефть экспорти бўйича дунёда 5-ўринда турадиган Венесуэладаги норозилик боис, жаҳон бозорида нефтнинг нархи ошиб кетди.

"Интернет" тармоғидан олинди.

2003 yil — Obod mahalla yili

БЕШТА ТАШКИЛОТ "МАҲАЛЛАМИЗ БОЛАЛАРИ" УЧУН ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ

Юрт равнақи, истиқболи учун камарбаста фидойилар тарбияланаётган маҳалла мавқеи тобора ортиб бормоқда. Келаётган йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши фикримизнинг далилидир.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида Ўзбекистон телерадиокомпанияси, ХТВ, республика "Маҳалла" жамғармаси, Ички ишлар вазирлиги ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган "Маҳалламиз болалари" мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Иброҳим ота маҳалласидаги 16- ва Навоий маҳалласидаги 46-мактаб ўқувчилари беллашдилар. Маҳалла фаоллари, таниқли санъаткорлар, "Ўзгазлойиҳа", "Тошкентмебель" оталиқ ташкилотлари раҳбарлари, республика Каратэ федерацияси раиси, туман ХТБ ходимлари қатнашиб, беллашувни завқ-ҳаяжон билан томоша қилдилар. Айниқса, мусобақанинг "Танишув", "Касб-ҳунар ва уй юмушларига доир вазифалар"ни бажариш, "Тафаккурни ўстиришга оид савол-жавоблар" шартида Иброҳим ота маҳалласи ўқувчилари пешқадамлик қилдилар, ўз маҳаллалари тарихини саҳна кўринишларида атрофлича ёритиб бердилар. Уларга маҳалла қариялари, онахонлар ҳам ёрдам берганликлари учун "Буюк авлод насллари" деб аталган гуруҳга юқори балл тўплаш насиб этди. Спорт ва оммавий ўйинлар, сатира ва юмор шартлари, оилалар мусобақаси ҳам қизиқарли ўтди. Беллашув сўнгида мусобақа қатнашчилари Собир Раҳимов тумани ҳокимияти, ХТБ, ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

"Маҳалламиз болалари" мусобақасининг асосий мақсади, шарқона турмуш тарзимиз билан боғлиқ миллий қадриятлар, урф-одат, анъаналарни тиклаш, фарзандларимизнинг билим, спорт, касб-ҳунарга қизиқишларини оширишдан иборат.

Кейинги йилда ҳам бу мусобақа давом эттирилиб, "Обод маҳалла йили"даги намунали тадбирлардан бири бўлиб қолади. Беш бармоқ бирлашса, бир бутун қўл бўлади. Дарҳақиқат, беш ташкилот бирлашгани, ҳамкорлиги шу куни ўз натижасини берди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

ОРЗУЛАРИМИЗ ИФОДАСИ

Ҳар қандай давлатнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлашда спортнинг роли беқиёс. Буни биргина мамлакатимизнинг спортда эришаётган зафарлари мисолида ҳам кўрса бўлади. Қувончли томони шундаки, бугунги кунда болалар ва ўсмирлар ҳамда мактаб ўқувчилари жаҳон миқёсидаги беллашувларда фаол иштирок этмоқдалар. Бу эса ўз навбатида болалар спортига эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтиришни тақозо этади.

Мамлакатимиз Президентининг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги Қарори ана шундай ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Мен ўттиз икки йилдан бери қишлоқ мактабида ўқувчиларга жисмоний тарбия фанидан дарс бериб келаман. Лекин ўзимнинг меҳнат фаолиятимда болалар спортини ривожлантиришга давлат миқёсида эътибор берилганлигини эслолмайман. Бу муҳим ҳужжат юртимизда келгусида кўплаб иқтидорли спортчи ёшларни кашф этиш, уларнинг жаҳон миқёсидаги мусобақаларда иштирок этишлари учун имконларини янада оширади.

Маълумки, қишлоқ жойларда ҳам ёшларнинг спортга бўлган эътибори ва ҳаваси баланд. Нафақат дарс жараёнида, балки бўш вақтларида ўқувчилар турли тўгаракларда ўзлари истаган спорт турлари билан мунтазам шуғулланадилар. Шу боис қишлоқ ёшлари орасида ҳам келгусида янада ажойиб спортчилар, чемпионлар етишиб чиқишига умид билдирамиз.

Ўрол ТУРҒУНОВ,
Зарбдор туманидаги 12-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси,
2-даражали "Соғлом авлод" ордени нишондори

ЧЕМПИОНЛИК УНИНГ ОРЗУСИ

"Ёшлар гиёҳвандлик ва терроризмга қарши" шиори остида Тошкентда бўлиб ўтган таэквандо бўйича 7-16 ёшли ўғил болалар ва қизлар ўртасидаги Ўзбекистон кубоги мусобақаларида жиззахлик ёш спортчилар умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни қўлга киритдилар. Ана шу ютуқда Жиззах шаҳридаги 19-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Р. Ортиқовнинг ҳиссаси катта бўлди. Мусобақа шартларини аъло даражада адо этган Рустам кумуш медални қўлга киритди. Унинг медаллар шодаси тўрттага етди. Уч ёшидан таэквандо билан шуғулланиб келаётган Р. Ортиқов келгусида йирик мусобақаларда фаол иштирок этиб, чемпионлик шоҳсупасига кўтарилишни орзу қилмоқда. Бу эзгу мақсадини амалга оширишда унга устози "қора белбоғ" соҳиби Отабек Зиёев яқиндан ёрдам бермоқда.

А. СОДИҚОВ

БЕЛЛАШУВ ЯКУНЛАНДИ

Самарқанд шаҳридаги Локомотив оғир атлетика спорт залида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози марҳум Анатолий Хван ва Ўзбекистон оғир атлетика федерациясининг собиқ раиси Валижон Усмоновлар хотираларига бағишланган ёшлар ўртасидаги мусобақа ҳамда эркаклар ва аёллар ўртасидаги Ўзбекистон кубоги мусобақалари якунланди. Бу мусобақаларда мамлакатимизнинг энг кучли полвонлари, оғир атлетикачилари ғолиблик учун курашдилар. Мусобақаларда қуйидаги оғир атлетикачилар ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлдилар: Ж. Усмонов, А. Усмонов (Самарқанд шаҳри), Ф. Ҳасанов (Тошкент вилояти), М. Тершин (Қорақалпоғистон Республикаси), Р. Сандилов (Самарқанд шаҳри), С. Нуриллаев (Қорақалпоғистон Республикаси), В.Тен (Тошкент вилояти), О. Асатуллаев (Самарқанд шаҳри) ва О. Ваисов (Хоразм вилояти). Қизлар ўртасида Ўзбекистон кубоги чемпионлари Е. Асланова, Т. Ивлиева, Н. Фёдорова, А. Умаровалар бўлдилар. Эркаклар орасида энг яхши натижаларни А. Ўринов ва И. Халиловлар қўлга киритдилар. Ғолибларга Ўзбекистон давлат спорт қўмитасининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Меҳмонлар Самарқанд шаҳрининг қадимий ёдгорликларини, эътиборга молик жойларни зиёрат қилдилар. Бундан кейин ёшлар ўртасидаги хотира мусобақалари ҳар йили ўтказилишига келишиб олинди.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

ЁШЛАРГА МУНОСИБ СОВҒА

Бахмал тумани марказида барча қулайликларга эга бўлган стадион ишга туширилди. Бахтимиз қомусининг 10 йиллиги нишонланаётган кунларда фойдаланишга топширилган стадионда 10 минг томошабин ўйинларни кузатиб бориш имконига эга.

Ушбу стадионнинг ишга туширилиши ёшлар орасида турли спорт мусобақалари ўтказишга катта имкон яратди. Бу эса болалар спортини ривожлантириш борасида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорга ўзига хос амалий жавобдир. Энди бахмаллик ўқувчилар орасидан ҳам чемпионлар етишиб чиқса, ажабмас.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ОТА-ОНАЛАР ЭЪТИБОРИ МУҲИМ

Бугун Қўшма Штатларда болалар наркоманиясига қарши фаол курашилаётган бўлса-да, лекин кўпчилик вояга етмаганлар "меъёрга қайтиш" учун дориларга мурожаат этмоқда.

— Баъзи баҳолашларга қараганда, ҳозирги пайтда ярим миллион мактаб ўқувчилари кучли таъсир этувчи антипсихологик воситалардан фойдаланмоқдалар. Бу кўрсаткич 1990 йиллардагига нисбатан 10 марта кўп. Уларнинг бундай воситалардан шахсий агрессияларини пасайтириш мақсадида истеъмол қилаётганликлари хавотирлидир, — дея айтишмоқда АҚШ мутахассислари.

Маълумки бир вақтлар оналар, айниқса, фабрикаларда меҳнат қилаётганлар ўз болаларига тинчлантирувчи восита сифатида опиум беришган. Шундай қилиб, иш бажаришга вақтлари кўпроқ бўлган.

Наркотиклар ёрдамида болаларни маҳкам тутиш ота-оналарга анча осон. Ушбу амалиёт бугун ҳам кенг масштабларда давом этмоқда.

Кўпгина антидепрессантлар (тинчлантирувчи дори), шубҳасиз, болаларга фойда бермоқда. Хулқлари намунали, турғун бўлмоқда.

Бутун дунёда ишлаб чиқарилаётган риталиннинг 90 фоизи АҚШда бўлиб, унинг 80 фоизи Америка болалари томонидан истеъмол қилинади. Наҳотки, АҚШда гиперактив болалар шунчалик кўп. Ёки қолган мамлакатлар тиббиёт масалалари бўйича Америкадан ортда қолмоқдалар. Наҳотки, ҳақиқатан ҳам АҚШда 450000 психотек болалар бор? Қизиқ, 10 йил аввал улар қаерда эканлар? Ишониш қийинроқ. Қандай сабабларга кўра билмадигу бизлар тақвимни бирданига 10 йил олдинга, ёмон хулқли Х генидан сўзсиз бўйсунувчи Rx генига кўчиб варақлаганга ўхшаймиз.

"Ритамин миллати" муаллифи Ричард Деграндпрнинг фикрича, АҚШда янги мукаммалашган психик хаста болалар унчалик кўп эмас экан. Оммавий тартибда болалар сезгирлигини сусайтирувчи воситалар белгиланмоқда, кимёвий хоссалар, оилавий муносабатлар ёки маданият муаммолари билан боғлиқ Риталин истеъмоли ва наркотиклардан фойдаланиш орасидаги ягона фарқ шундан иборатки, ёрлиқларида болаларнинг хурсанд чеҳралари тасвири туширилган ритамин ва болалар допингининг бошқа воситалари дорихоналарда сотилади.

Баъзи ота-оналар мавжуд интизомий муаммоларга кўз юмишни устун қўйиб жуда катта ҳохиш билан антирипрессия саҳичдан фойдаланадилар: боланинг кичкина оғзига дори солиб яна ишга қайтиш мумкин. Бундай ота-оналар болага фақат зарар етказадилар, улар ўз ота-оналик бурчларини бажармайдилар.

Наркотикларнинг зараси ҳақида доимо эслатиб турувчи давлат ўсиб келаётган ёш авлоднинг оғзига ўша наркотикларни солаётгани ғалати эмасми? Ахир ритамин ҳам кокаин каби оқибатларга олиб келади. Деграндпр наркотик воситаларни истеъмол қилаётган болаларнинг бир неча тоифалари ҳақида сўз юритади. Жумладан, у шундай дейди: "Бирлари дориларни ўзлари сотиб оладилар, улардан бурун орқали нафас оладилар: бошқалари сотиб олинган дориларни майдалаб, қайта сотадилар. Ачинарлиси шуки, ота-оналар ўз вазифаларига лоқайдлик билан қараганликлари учун болалар наркотик воситалардан фойдаланмоқдалар".

Колумбия университети томонидан ўтказилган тадқиқот ота-оналар болалар билан етарли даражада муомалада бўлмаётгани, ўқувчилар учун оғир бўлган дарс жадвали ёшларнинг наркотик ва алкоголли ичимликлар истеъмол қилишларига асосий сабаб эканлигини кўрсатди.

Режиссёр Тед Демме журналистларга берган интервьюсида: "Мамлакатимизда наркотик моддаларга қарши кураш муаммо эмас, ота-оналарнинг фарзандларига кўрсатадиган эътибори катта муаммо", — деган эди.

Гулноза ГУЛЯМОВА,
Шарифа МАДРАҲИМОВА
тайёрлашди.

ЁНҒИНДАН ҲИМОЯЛАНМОҚ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 ноябрдаги 660-сонли фармойишига асосан 15 ноябрдан бошлаб пойтахтимизда "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда. Ушбу ойликни ўтказишдан мақсад ёнғиннинг олдини олишдир.

Ёнғин хавфсизлиги ойлигида маҳаллаларда, мактабларда, олий ўқув юртларида, коллежларда, шунингдек, маданият муассасаларида ва ташкилотларда учрашувлар ўтказилиб, "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"нинг асосий моҳиятлари кенг ёритиб борилмоқда.

Миробод туманида 2002 йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида 125 та ёнғин содир бўлиб, бу 1034934 сўм миқдорида зарар етказган. Шунингдек, ёнғин оқибатида 2 киши ҳалок бўлиб, 4 киши тан жароҳати олган.

Ёнғинларнинг асосий сабаби уйларда электр ва газ жиҳозларидан нотўғри фойдаланишдан, маст ҳолатда сигарета чекишдан, болаларни қаровсиз қолдиришдан ва кўча-кўйдаги ахлат ва шох-шаббаларни вақтида тозаламасликдан келиб чиқмоқда.

М.МИРЗАХОДЖАЕВ,
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси марказнинг молия ва иқтисод бўлими бош мутахассиси Иброҳимжон Жўрабоевга онаси

ТОЖИХОН аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси марказнинг бош мутахассиси Толибжон Ибодовга қайнонаси

РАЪНОХОН аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

"Маърифат" газетаси таҳририяти таҳрир ҳайъати аъзоси Й.Аҳмедовга қизи

ГУЛЧЕҲРАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

"Маърифат" газетаси таҳририяти Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбар ўринбосари Султонмурод Олимовга отаси

ҲОШИМЖОН отанинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Марказий қўмитанинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими бош мутахассиси Й.Аҳмедовга қизи

ГУЛЧЕҲРАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти раҳбарияти ва Бирлашган касаба уюшмаси жамоаси "Халқаро иқтисодий муносабатлар" кафедраси мудири Аваз Алимовга отаси

МИРЗАМУРОД отанинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда Мусиқа факультети жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор

МАРАЙИМ Жалиловнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Ҳозирги алғов-далғов дунёда ҳар куни ҳар хил воқеаларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Телевизорни эрталаб бурагандан диктор "бисмилло" деганича биронта табиий офат ёки самолёт қулашидан сўз бошлайди.

Қаҳвахона официантқалари ҳайрон: "Тавба, ҳарбийлар ҳам шу даражада ўзларидан кетиб қолишар экан-да".

Ma'rifat

КУНҒИРОК ЧАЛИНГУНЧА

Дам олиш саҳифаси

Ko'ngil bitiklari

ҚАЛДИРҒОЧ

Қалдирғоч ҳей, қалдирғоч,
Қанотингни катта оч.
Қоғоз каби қанотинг,
Бунча чиройли отинг.

Менинг ёрим йирокда,
Айриликдан фирокда.
Кўнглим фақат уни дер,
Менга ундан хабар бер.

Қайрилма қош кўзлари,
Бирам ширин сўзлари.
Доим кулиб туради,
Ёлғиз хаёл суради.

Учмоққа сен шайлангин,
Бошларида гир айлангин.
Узоқларга учсанг-чи,
Ёргинамни қучсанг-чи!

Ибодулла ҲАЙИТ,
Тошкент молия институти доценти

ВАТАН

Ватанлар беҳисоб ёруғ дунёда,
Бири-бирисидан улуғ зиёда.
Оламни гар кезиб чиққин пиёда,
Она-Ватанингдан улуғи бўлмас,
Ватансиз кишининг кўнгли ҳам тўлмас.

Бошига бахт қуши қўнса ҳам Бобур,
Ғурбатда дилидан сўнмади ҳовур.
Олам яралгандан шу кунга довур,
Она-Ватанингдан буюги бўлмас,
Ватансиз кишининг кўнгли ҳам тўлмас.

Ватанинг онангдир, халқинг танда жон,
Сен унинг гадоси, ўзинг унда хон,
Ўзганинг ерида қайнаса ҳам кон,
Она-Ватанингдан буюги бўлмас,
Ватансиз кишининг кўнгли ҳам тўлмас.

Не буюк зотларни кўрмади олам,
Гуллардай турфа хил яралган одам,
Қулоғимга қуяр бир сўзни онам,
Она-Ватанингдан буюги бўлмас,
Ватансиз кишининг кўнгли ҳам тўлмас.

Ватаннинг дашти ҳам ўзича сўлим,
Тунларин ёритган ойлари тўлин,
Юртдошлар бир-бирга узатса қўлин,
Она-Ватанингдан буюги бўлмас,
Ватансиз кишининг кўнгли ҳам тўлмас.

Шаробиддин ҲАСАНОВ,
Андижон туманидаги 13-мактаб директори

НУРОНИЙЛАРГА

Нуронийлик — улуғлик
Кўраман юзингизда.
Қуёшдан ҳам иссиқроқ
Меҳр бор кўзингизда.

Ўзингиз элимизга
Ҳар бир ишда ибратсиз.
Қўшиб куч белимизга
Ҳам барака, қудратсиз.

Олам-олам маънолар
Ўқийман сўзингиздан.
Шогирдлик сабоқларин
Уқаман ўзингиздан.

Қариси бор уйларнинг
Париси бор, дейдилар.
Юзга кирса ҳам ёши
Кўнгли баҳор, дейдилар.

Сизга таъзимда Раҳмон
Унутмас ҳеч саломин.
Ошиқади сиз томон
Қабул айланг каломин.

Раҳмон МАШАРИПОВ,
Хоразм ВПХҚТМОИ доценти



Ҳурматли Алишер Эргашев!

Сизни таваллуд кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Ёшлик шижоати қалбингизни ҳеч қачон тарк этмасин. Ишларингизда омад ёр бўлишини тилаймиз.

Оилангиз ва яқинларингиз бахтига соғ бўлинг.

Жарқўрғон туманидаги 1-мактаб жамоаси ва оила аъзоларингиз

ЯХШИ ОДАМЛАР БОР

Аёл қочди. Эрининг калтакларига ортиқ бардош беролмади. "Олдирмайман, болам ўзимга керак, она бўлишни хоҳлайман..." дея пичирлаб йиғлади. Йўл-йўлакай ўзи билан ўзи суҳбат қилиб кетди:

"Нега аёл бўлиб яралдим?"

"Худонинг хоҳиши".

"Нега шунчалик пешонам шўр?!"

"Тақдир".

"Мен ҳам одамман-ку!"

"Одамман... она бўламан".

"Мен буни ҳис қилмадим ҳали".

"Сабрли бўл..."

Аёл кўз ёшларини артди. Ичичидан келган оғриқ билан хаёли бўлинди. Ингираниб-ингираниб бекатга келди...

Амаллаб автобусга чиқди. Кўзи билан бўш жой қидирди. Йўқ! Алланечук бўлиб кетди. Биров эътибор қилмади. У бошқалар учун ўзини йўқдек ҳис қилди. Хўрлиги келди. Автобус чайқалиб-чайқалиб, одамларни у ёқдан бу ёққа силкитиб, манзил сари илдамлар эди. Белини оғриқ яна кесиб ўтди, овозини чиқармай ингради. Буларга ингроғини эшиттириш ҳам хайфдек туюлди.

"Кечирасиз, қизим, бу аёлга жой берсангиз бўлмайдими? Оғироёқлигини ҳурмат қилинг ҳеч қурса!"

Аёл бу овоздан ҳушига келди. Қаршисидаги бир эркак: "Келинг, синглим", дея бўшаган ўриндиқ сари йўл берди. Аёл ўтирди, кўнглининг тубида бир чироқ милтиллади. "Ҳомиладорлигини...". У бундайин "унвон"ни энди эшитиши эди. Ер остидан секин ўша одамга миннатдор қараб қўйди.

"Ҳали яхши одамлар..."

Райҳона ХОЛБЕКОВА

Ватан манзаралари



ТУЗАТИШ

Газетанинг 2002 йил 5 декабрь 96-97-сони 7-саҳифасидаги "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим муассасаларини сифатли мактаб ўқув ҳужжатлари билан таъминлаш мақсадида 2003 йил 4 январь куни тендер савдоларини ва танловини ўтказади" деб номланган эълон қуйидагича тузатиб ўқилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим муассасаларини сифатли мактаб ўқув ҳужжатлари билан таъминлаш мақсадида 2003 йил январь ва февраль ойининг биринчи ярмида тендер савдоларини ва танловини ўтказади"

Пастдан 6-хатбоши қуйидагича тузатиб ўқилсин:

"Тендер ва танлов таклифлари комиссия томонидан 2002 йил 5 декабрдан 2003 йил 5 январгача соат 11-00 гача, фақат иккиламчи конвертда, муҳрланган ҳолда қабул қилинади"

Пастдан 3-хатбоши қуйидагича тузатиб ўқилсин:

"Тендер ва танловда иштирок этиш учун тавсия этиладиган маҳсулотлар намуналари 2002 йил 5 декабрдан бошлаб 2003 йил 5 январь соат 11:00 гача "Ўқув-Таълим-Таъминот" Бош бошқармасига топширилади".

КИТОБГА ТАҚРИЗ

(Айрим тақризларга ўхшатма)

Яқинда пойтахтдаги "Шарт-шурт" нашриётида иқтидорли ёш олим Таваккал Яллонинг "Қарғишлар ва сўкишлар" номли китоби босмадан чиқди. Очиғи, китобни адабиёт оламида ўзига хос муҳим янгилик деса арзийди. Чунки, шу пайтгача ҳали бирорта ёзувчи ё олим бу мавзуда юрак ютиб рисола чоп эттирмаган.

Маълумки, кундалик ҳаётимизда қарғиш ва сўкишларнинг роли бениҳоя катта. Биз унга тез-тез мурожаат қиламиз. Айтайлик, уйда, ишхонада, ошхонаю дўконда, бозору автобусда...

Баъзан бир кунда бир неча марта қарғаш, беш-олти марталаб даҳанаки сўкишимизга тўғри келади. Чунки, одам юрақдан чиқариб қарғаса ёки сўксса анча ҳовуридан тушади, асаблари юмшайди.

Бизда болалар сўкишга ғўдаклигиданоқ ўргатилади. Бунинг ижобий томонлари анча. Мисол учун, бир кишининг уйига меҳмон бориб қолса, тили эндигина чиқаётган болакайга "Амакингни битта боплаб сўкиб қўй" дейилади. Бола эса буни астойдил бажаради: "Ҳеэ...". Бўладиган болада. Келажакда ундан ҳамма нарсани кутса бўлади. Сўкишни эпладими, демак, буёғи кетади. "Танглайи сўкиш билан кўтарилган" деб ана шундай одамларга нисбатан айтилади.

Китоб "Қарғишлар" ва "Сўкишлар" деб номланган иккита бўлимдан иборат. Қарғишларга аксарият хотин-қизлар кўпроқ мурожаат этганлари боис тўпламдан биринчи бўлимга хийла кенгроқ жой ажратилган. "Сўкишлар" ўз-ўзидан маълумки эркаклар томонидан бажарилади.

Албатта, сўконғичликда атрофдаги халқлардан асло қолишмаймиз. Буни айрим тарихий манбалар ҳам тасдиқлаши мумкин. Кейинги XXI аср шундай давр бўладики, сўкмайдиган эркак, қарғамайдиган аёлни дунёда топиб бўлмай қолди. Бу ҳам ўзига хос даврнинг ижтимоий таҳлили бўлса, ажаб эмас.

Қарғишни асли аёлларга чиқарган. Улар қарғамай бир секунд ҳам туролмайдилар. Болаларини, эрларини, қўни-қўшнию, таниш-билиш, ошна-оғайниларини ҳар куни эрмак бўлса ҳам қарғайдилар. Лекин, қарғиш билан қарғишнинг фарқи бор, албатта. Адолатсизлик, номардлик олдида ожиз қолиб, ёлғиз Оллоҳ таолога зорланиб, ер муштлаб қарғаш билан уйда шунчаки болани бирор айтилган ишни ўз вақтида бажармагани учун, эрни ичиб келгани учун қарғаш бошқасидан тубдан фарқ қилади.

Қарғиш аслида минг йиллик тарихга эга. Етти яшардан тортиб етмиш ёшгача бўлган эркак зотига сўкиш бу ота мерос. Эркакни эркак қилиб турган ҳам асли ўша даҳдаҳали сўкиши.

Сўкиш ҳар бир халқнинг миллий турмуш-тарзи, урф-одати, маданий даражаси, этник босқичларини аниқлаб, белгилаб беради. Ўзбекча қарғиш ва сўкишларни ҳам алифбо ёки мазмуний, мавзу таснифига солиб ўргансангиз, бир неча китобни ташкил этади. Изоҳли луғати билан эса бир неча жилддан ошса керак.

Муаллиф қарғишга шундай таъриф беради: "Қарғиш бу бировдан ноҳақ жабр кўрган одамнинг унга ёмонлик тилашидир. Қарғиш ҳам жойига, воқеа-ҳодисага, иштирокчиларнинг ёшига қараб адолатли, адолатсиз бўлади. Баъзан у ноҳақ бўлиши ҳам мумкин. Калаванинг икки учи бўлгани сингари, қарғишнинг ҳам икки учи бўлади. Яъни, қарғиш ва сўкишнинг жиддий ва эркалаш маъносидаги турлари ҳам мавжуд. Айниқса, эри ё боласини эркалаб қарғовчи аёллар кўп учрайди. "Ўла қолинг", "Зорманда", "Нафасингизни ел олсин", "Вой эшаккина ўлгур", "Бетингдан бузулгур" қабилида.

Ёш олимнинг асосий хизмати шундаки, у эринмай, қишлоқма қишлоқ юриб, хотин-халажлар оғзидан оҳори тўкилмаган, ҳали кўпчиликка номаълум, бир сўз билан айтганда оригинал қарғишларни ёзиб олган. Китобдаги қарғишлар ўзининг теша тегмаганлиги, пўсти арчилмаганлиги, давр нафаси уфуриб турганлиги билан алоҳида эътиборга сазовор.

Китобдаги алмисоқдан қолган эски қарғишлар — "жувармаг бўлсин", "оғзидан қони келсин", "уйи куйсин", "калта қайтсин", "сочи тахтада таралсин", "изи куйсин", "оти ўчсин", "юзини тескари қилсин", "жазосини худо берсин", "бири икки бўлмасин", "косаси оқармасин", "есин-ичсин, буюрмасин", "манзилга етсину муродига етмасин", "худодан топсин", "тухуми қурисин", "уруғига ўт тушсин" — каби қарғишлар билан бирга кўплаб қилови олинмаган, барра қарғишлар ўрин олган. Улар эшитган одамни сўзсиз тепа сочини тикка қилади, агар у кал бўлмаса.

"Ҳозирги кунда фан ва техниканинг жадал ривожланиши лексикада янги-янги қарғиш сўзларининг пайдо бўлишига имкон яратмоқда. Китобдаги кўплаб қарғишлар бунинг ёрқин исботидир. Ҳозирги алғов-далғов дунёда ҳар куни ҳар хил воқеаларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Телевизорни эрталаб бурагандан диктор "бисмилло" деганича биронта табиий офат ёки самолёт қулашидан сўз бошлайди. Ана шулардан илҳомланган аёлларимиз ўз луғат бойликларини янги термин ва иборалар билан бойитадилар. Буларни "ФВ— фавқулодда вазиятларга доир қарғишлар" деб бемалол аташ мумкин," — деб ёзади китоб муаллифи ва қуйидагиларни мисол тариқасида келтиради.

"Деворнинг тагида қол", "балиқларга ем бўл", "тил тортмай қот", "осмондан оёғинг билан туш" ва ҳоказо.

Бу қарғишларнинг ҳар бири фавқулодда вазиятларнинг бирон турига дахлдорлигини сезиш қийин эмас. Зилзила, автоҳалокат, кема чўкиши, самолёт портлаши, ёнғин, ток уриши юқоридаги фикримизга далилдир.

Атоқли авар шоири Расул Ҳамзатов ўз халқининг қарғиш ва сўкишларини алоҳида китоб қилолмаганидан афсусланган экан. Ушбу рисола муаллифи эса ана шундай буюк шоир уддалай олмаган улкан ишни бажарганлиги билан қадрли. Китобда қарғишларга катта ўрин ажратилганлиги учун биз ҳам аёллар ижодига кенгроқ тўхталдик.

Энди мақоламиз мухтасар бўлиши учун икки оғиз эркакларнинг болахонадор сўкишлари жамланган иккинчи — "Сўкишлар" бўлими ҳақида фикр юритсак. Маълумки, эркакнинг жаҳли чиққан пайтида биринчи галда оғзидан қолипга унча тўғри келмайдиган сўзлар чиқади... Биз бу сўзлар анчагина қўпол, уятли бўлгани учун ундан мақоламизда мисоллар келтирмадик. Мақолани ўқиган эркаклар буни яхши билишади.

Ушбу китобни ўқиган ҳар бир ўқувчи ундан ўзига катта фойда олиши табиий. Тўпламдаги сўкишлардан ёд олган кишига у биронта одам, қўни-қўшни, қариндош-уруғ, хотини билан жанжаллашиб қолганида сўзсиз асқотади. Уни ўқиб айниқса, боғча, мактаб болалари, талабалар наф кўрадилар. Китоб яхши сўконғичлар, қарғаш усталари тайёрлашда услубий қўлланма вазифасини ўтайди. Китобни варақлар экансиз, бу қизталоқ тадқиқотчининг эринмасдан шунча нарсани тўплаганига қойил қоласиз.

Илмий рисола кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган. Бироқ, унинг адади ниҳоятда кам. Шуни ҳисобга олиб, нашриёт ходимлари китобни камида 100-150 минг нусхада қайта чоп этсалар нур устига аъло нур бўлур эди.

Биз келажаги порлоқ истеъдодли тадқиқотчи укамиз Таваккал Яллони бу нодир асар билан қутлар эканмиз, уни секин эркалаб сўкиб қўйгимиз келади:

— Чарчама, онангни эмгур!

Ўткир САИДОВ

ИНГЛИЗЧА БОШҚОТИР...МА

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30
F	S	T	C	F	C	C	C	B	E	S	S	C	S	B	L	M	M	O	O	O	P	P	P	S	P	P	T	P	R
A	I	E	O	I	I	E	A	O	L	E	E	O	I	E	I	A	A	C	B	X	A	A	A	U	E	E	I	U	A
T	S	A	F	N	R	N	R	T	E	C	N	P	L	A	S	G	S	C	T	Y	R	R	U	P	O	P	C	B	B
H																													
E																													
R																													
O	R	A	B	M	T	A	R	A	D	U	R	S	S	S	A	T	T	I	F	T	K	U	I	M	A	I	T	H	T
I	O	T	L	A	O	T	O	T	O	R	O	O	U	U	N	L	O	M	U	L	E	N	S	I	S	O	L	E	E
C	R	O	E	N	M	Y	L	O	R	N	W	N	S	L	T	E	N	O	L	E	Y	D	H	T	E	D	E	N	R

Ҳар бир шартда 2 та 6 ҳарфдан иборат бўлган сўз иштирок этади. Биринчи сўзнинг дастлабки 3 та ҳарфи ҳамда иккинчи сўзнинг охирги учта ҳарфи ёзиб қўйилган. Ўртадаги очиқ катакларни мос равишда тўғри тўлдирсангиз, яширинган сўзлар аён бўлади. Бунда сизга қуйида келтирилган ўзбекча сўзлар керак бўлади. Уларни сиз инглизчага таржима қилсангиз, иккала сўзни ҳам билиб оласиз. Масалан, FATHER-HEROIC тарзида.

1. Ота; қаҳрамонона. 2. Опа; қўрқинч. 3. Чойнак; картошка. 4. Қаҳва; кучсиз. 5. Бармоқ; немис. 6. Цирк; одат. 7. Марказ; халқаро шартнома. 8. Гилам; бензин. 9. Қаҳр; помидор. 10. Ўн бир; сотувчи. 11. Сир; қайтмоқ. 12. Цензор; хафалик. 13. Мис; шахс. 14. Кумуш; қарама-қарши. 15. Маёқ; элчи. 16. Тингламоқ; ижарачи. 17. Оҳанрабо; наъматак. 18. Тумор; пахта. 19. Сирли; ўтган ой (хатларда). 20. Калтафаҳм; фойдали. 21. Кислород; юмшоқ. 22. Кечирим; эшак. 23. Тўти; тўла, семиз. 24. Камбағал; ҳалок бўлмоқ. 25. Кечки овқат; рухсат. 26. Халқ; илтимос, марҳамат. 27. Мурч; давр, вақт. 28. Чипта; чойнак. 29. Халқ; лишайник. 30. Қуён; аччиқ.

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Hajviya

Xullas...

МАШИНА ТУРГАНДА ҚЎЛГА НЕ ҲОЖАТ?

Австралияда қўй жунини қирқиш бўйича тез-тез мусобақалар бўлиб туради. Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, ундан тез ва сифатли қирқиш талаб қилинади.

Маргарита Дарр ғарбий Австралияда истиқомат қиладиган қўй сартарошидир. У 8 соатда 390 бош қўйнинг жунини қирқишга улгурди. Махсус қайчини қўлига олгач янги зеландиялик Питер Гессерли 9 соатда 353 та қўйни саранжомлашга муваффақ бўлди.

Агар бу икки сартарош қўйларнинг жунини қайчида қирққан бўлишса, автоматик равишда қирқувчи машина яна ҳам серунум экан. Янги зеландиялик Алэн Макбрайт 9 соатда 805 та қўйга "хизмат" кўрсатгани бу фикрнинг исботидир. Бу унинг ўртача ҳар соатда 894 бош қўйни тозалаганини билдиради. Демак, бу соҳада қўл меҳнатидан воз кечиш керак, энг осони қирқувчи машинадан фойдаланишдир, деб хабар беради Италиянинг "Стампа" газетаси.

ОФИЦЕР ВА ОФИЦИАНТЛАР "ЖАНГИ"

Брянск шаҳридаги "Нептун" қаҳвахонасига отамлашиш учун йиғилган бир гуруҳ офицерларнинг суҳбати шу даражада "қўр" олдики, охир-оқибатда бир-бирлари билан муштлаша кетишди. Улар ғўёки ҳарбийлигини ҳам унутишди, бу ёғи қизиқ бўлдию... Қаҳвахона официантқалари ҳайрон: "Тавба, ҳарбийлар ҳам шу даражада ўзларидан кетиб қолишар экан-да".

Ҳа, буни мастлик дейдилар. Офицерлардан бири ҳомиладор аёлнинг юзига кутилмаганда тарсаки туширib юборди. Бошқалари буни кўриб, жим туришолмади. Қисқаси, офицер ва официантқалар "жанги" "махсус назорат" ходимлари етиб келгачгина, якун топди.

Ҳарбий деган номга доғ туширгани учун офицерлар тегишли жойда жавоб берадиган бўлишди.

ҒЎЁКИ ШАЙТОН ҲУКМРОН...

Саратов шаҳар қутқарув-қидирув отряди ходимлари жумбоқ ҳолатга дуч келишди. Битта квартирада устма-уст ёнғин ҳодисаси содир бўлган. Биринчиси, ошхонада. Иккинчиси, орадан бир неча кун ўтиб, уй бекасининг кийимлар шкафида бўлиб, курткаси, шубаси, бош кийими ёниб кетган.

Бу сирли ҳолатни ўрганиш учун улар уй бекасининг розилиги билан шу ерда навбатчилик қиладиган бўлишди. Лекин бир ҳафталик қоровулликда ҳеч нима содир бўлмади. Уй соҳибаси, ёнғиндан аввал лампочкалари тез-тез куйиб қолаверганини, ғўёки уйда кўзга кўринмас шайтон юрганини айтгач, қутқарувчилар чиндан ҳам бу ерда бир сир бор, деган хулосага келишди. Лекин улар онахонни ташлаб кетишгани йўқ. Балки шайтон деганлари энди бу ерни тарк этар...

ana shunaqa gaplar

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-1127.
Тиражи 23099 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи: Ғофур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00